Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 3 ноябрь 1973 йил, шанба ◆ № 260 (15.734). ◆ Баҳоси 2 тийин.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА

Ҳолибек Умрқулов Оқолтин районидаги «Партия XXIII съезди» совхозида ўн йилдан бери механик-ҳайдовчи бўлиб ишлайди. У ўтган давр ичида тонна-тонналаб пахта терди. Бу йил эса 200 тонна пахта териб бериш юзасидан олган мажбуриятини адо этиб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлди. Суратда: Х. Умрқулов. А. Горокрик фотоси (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун ўтказилаётган бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, донли экинлар ўрим-йиғимини ва тайёрлашни уюшқоқлик билан ўтказдилар, давлатга ғалла сотиш халқ хўжалик планини ва мажбуриятини муваффақиятли бажардилар.

Ватан омборларига 601 минг тоннадан кўпроқ ёки 36,7 миллион пуд дон тўкилди. Ғалла топириш давлат плани 1,8 баравар ошириб бажарилди. Тайёрлов пунктларига 336,6 минг тонна ёки халқ хўжалиқ планининг 131 процента миқдорида буғдой ва арпа, 200 минг тонна ёки халқ хўжалиги планининг 107 процента миқдорида шоли етказиб берилди. Мажбурий ва оқ жўхори дони планда кўзда тутилганидан етти баравар кўп сотилди. Бундай миқдордаги шоли ва мажбурий жўхори давлатга биринчи марта сотилди. Шоли сотиш давом этмоқда.

Давлатга 126,9 минг тонна ёки планнинг 187 процента миқдорида дон сотган Самарқанд областининг, 108,9 минг тонна ёки планнинг 147 процента миқдорида дон топширган Қашқадарё областининг, 66,8 минг тонна ёки планнинг 126 процента миқдорида дон етказиб берган Тошкент областининг, 38,2 минг тонна ёки планнинг 159 процента миқдорида дон сотган Сурхондарё областининг ғаллакорлари катта муваффақиятларга эришдилар.

Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғона областларидаги хўжаликлар давлатга ғалла сотиш топшириқларини муваффақиятли бажардилар.

Давлатга 78,3 минг тонна шоли сотган Қорақалпоғистон АССРдаги ихтисослаштирилган совхозларнинг меҳнатчилари, шунингдек давлатга 36 минг тонна шоли сотган Хоразм областининг, 32 минг тонна шоли топширган Тошкент областининг, 19,7 минг тонна шоли етказиб берган Сирдарё областининг, 10 минг тонна шоли этиб берган Сурхондарё областининг шолиқорлари шоли тайёрлаш планини бажариш ишига катта ҳисса қўшдилар. Наманган, Фарғона, Самарқанд ва Андижон областларининг хўжаликлари шоли топшириш планини анча ошириб адо этдилар.

Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Оҳангарон, Пискент, Гулистон, Сирдарё, Ғаллаорол, Каттақўрғон, Пастдарғом, Самарқанд, Ғузор, Деҳқонобод, Чироқчи, Қамаши, Яккабоғ, Бойсун, Жарқўрғон, Шеробод, Гагарин, Янгиариқ, Хазорасп, Гурлан, Ленинобод, Нукус, Қўнғирот, Чимбой, Тахтакўпир, Қува, Ленинград, Фарғона, Андижон, Пахтаобод, Қўрғонтепа, Балиқчи, Задарё, Поп, Уйчи ва кўпгина бошқа районлар давлатга ғалла сотиш халқ хўжалик планини анча ошириб бажардилар.

Кўпгина хўжаликлар илғор агротехникани қўллаб, донли бошоқли экинлар, шоли ва мажбурий жўхоридан йил сайин мўл ҳосил етиштиришга эришмоқдалар. Хўжаобод районидаги А. Набиев номли, Наманган районидаги Тельман номли, Денов районидаги «Ғалаба», Сариосиё районидаги «Коммунизм», «Ўзбекистон», Оққўрғон районидаги «Победа» колхозлари сугориладиган ерларда ҳар гектар майдонда 40-50 центнердан ва бундан ҳам кўпроқ буғдой ва арпа етиштирдилар. Тошкент область, Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози, Самарқанд областидаги «Ғаллаорол» совхози, Тошкент областидаги «Ғаллақудуқ» совхози, Қашқадарё область, Ульянов районидаги К. Маркс номли, Шаҳрисабз районидаги «Ўзбекистон», «Қизил Юлдуз» колхозлари ва кўпгина бошқа хўжаликлар лалми ерларда мўл ҳосил — гектар бошига 11-14 центнердан дон етиштирдилар.

«Сирдарьинский», «СССРнинг 50 йиллиги», «Ал-Хоразмий» номли, «Боғот», «Гулистон» совхозлари, Гурлан районидаги «Коммунизм» колхози ҳар гектар ердан 40-60 центнердан шоли йиғиштириб олдилар, шу колхознинг Э. Собиров, Н. Пак бошлиқ бригадалари Ал-Хоразмий номли совхознинг А. Жуманиёзов, К. Ким, Ю. Юнусов бошлиқ бригадалари эса ҳар гектар ердан 60,67 центнердан шоли ҳосили етиштирдилар.

Механизаторлар ғалла ўрим-йиғимида зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар. «Сайроб» совхозидан М. Алиховов, «Ударник» совхозидан А. Қиличбоев ва В. Шлегин, 2. «Зомин» совхозидан Э. Олмонов, 1- «Ғаллаорол» совхозидан А. Бойжонов, Х. Мурсеитов, П. П. Зарипов, «Бойсун» совхозидан Б. Қорабоев, «Чорвадор» совхозидан Н. Ражабов, Охунбобоев номли совхоздан Т. Ирзаев, «Каттақўрғон» совхозидан Т. Қулбоев комбайнчилар 400-500 гектар майдондаги ғаллани ўриб, 500-700 тонна донни янчиб бердилар. Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозидан С. Оқмонов, Г. Хван, Ал-Хоразмий номли совхоздан А. Королев, «Боғот» совхозидан Р. Раҳимов, «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозидан В. Андюченко, Чапаев номли совхоздан К. Омонов, «Равшан» совхозидан И. Қосимбетов, «Партия XXII съезди» совхозидан Б. Шарипов ва Ю. Тё комбайнчилар эса 450-600 тоннадан шоли янчдилар.

Республика мажбурий жўхоричилари катта муваффақиятларга эришдилар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёш мажбурий жўхоричилар республика кенгашига йўллаган табрикономасига жавобан биринчи марта мажбурий жўхори донидан мўл ҳосил — гектар бошига 57,4 центнердан дон олинди, ўтган йилдагига нисбатан уч баравар кўп дон етиштирилди.

Андижон, Наманган, Сурхондарё областларининг мажбурий жўхоричилари ҳамда ҳар гектар ердан 60-80 центнердан ва ундан ҳам ортиқ дон етиштирган, кўпгина районлар ва хўжаликлар айниқса юксак кўрсаткичларга эришдилар. «Савай» совхозининг Н. Машарипов бошлиқ, Марҳамат районидаги Свердлов номли колхозининг К. Аҳмедов бошлиқ, «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг А. Тасланов бошлиқ, Свердлов районидаги «Ўзбекистон» колхозининг Б. Муродов бошлиқ, Китоб районидаги К. Маркс номли колхозининг Т. Эгамбердиев бошлиқ, Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхозининг Ш. Дўсов бошлиқ, Чуст районидаги «Ленин йўли» колхозининг И. Машарипов бошлиқ, Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхозининг Х. Абдиев бошлиқ, Денов районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг М. Шайманов бошлиқ, Жарқўрғон районидаги «Москва» колхозининг Т. Жумамуродов бошлиқ, Гулистон районидаги Фрунзе номли колхозининг А. Каримов, М. Ҳамроев бошлиқ, Ленинград районидаги Ленин номли колхозинг С. Тўхтасинов бошлиқ бригадалар ва кўпгина бошқа бригадалар гектар бошига 100 центнердан ва бундан ҳам кўпроқ мажбурий жўхори дони олдилар.

Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигининг тайёрлов пунктлари янги ҳосил донини қабул қилишни яхши уюштирдилар. «Ўзсельхозтехника» бирлашмасининг ва республика Автомобиль транспорти министрлигининг ихтисослаштирилган автобазалари ғаллани ўриб-йиғиб олиш ва ташишда катта ёрдам бердилар.

Бу муваффақиятларга ғаллакорлар, шоликорлар, мажбурий жўхоричиларнинг фидокорона меҳнати туфайли, партия, совет, қишлоқ хўжалиги, касаба союз ва комсомол органлари катта сиёсий ва ташкилотчилик ишларини олиб борганликлари туфайли эришилди.

Совет Иттифоқи пахтакор республикалари партия-хўжалик активининг Тошкентда ўтказилган йиғилиши, бу йиғилишда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг сўзлаган нутқи ғаллакорларнинг ана шу ғалабага эришишида катта роль ўйнади. Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи қишлоқ меҳнатчиларининг меҳнат ғайратини мисли кўрилмаган даражада ошириб юборди, беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш иштиёқини туғдирди.

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари давлатга дон сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларни бажарганликлари тўғрисида рапорт бера туриб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оғишмай юксалтириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаётганликлари учун, ғаллачилик хўжалигини ривожлантиришда ҳар томонлама ёрдам бераётганликлари учун КПСС Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига чин қалбдан миннатдорчилик билдириб, кузги дон экишни ҳамда келгуси йил ҳосили учун бошқа кузги-қишки ишларни кучайтириб юборадилар.

ТИНЧЛИКСЕВАР КУЧЛАР ЖАҲОН КОНГРЕССИНИНГ ЧАҚИРИҒИ

Биз, тинчликсевар кучлар жаҳон конгрессининг қатнашчилари Москвада тўпланиб, бутун дунёда одилона ва мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун кучайтириш бирлаштиришга чақириб, ер юзидаги кишиларнинг ҳаммасига мурожаат қилаётирмиз!

Бизнинг бу мурожаатимиз — мустаҳкам тинчликка олиб борадиган йўллар тўғрисида қилинган фикр-ўйлар ва мунозараларнинг самарасидир. Ҳаётга қарашларимиз кўп жиҳатдан бир хил бўлмаса ҳам аммо асосий нарсада ҳаммамизнинг фикримиз битта — инсоний ят ҳамиятнинг қаётидан урушни йўқотиш, ҳар бир халққа ўз йўлини мустақил танлаб олиш ҳуқуқини таъминлаб бериш ҳамда фан ва техниканинг улкан муваффақиятларини социал тараққиётга хизмат қилдириш зарур.

Кейинги вақтларда тинчлик кучларининг муваффақияти туфайли халқаро снёсий иқлим яхшилана бошлади. Қимматга ва огир юк бўлиб тушаётган «совуқ уруш» ўтмишда қолиб кетадиган бўлди. Эндиликда ҳозирги ва келажак авлодлар ядро уруши даҳшатларидан халос қилиниши мумкин, деган реал умид пайдо бўлди. Халқаро муносабатлардаги шафқатсизлик ва конфронтация ўз ўрнини тинч, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга ва давлатлар ўртасида катта ишончга аста секин бўшатиб бермоқда.

Анчагина иш қилиб қўйилди. Лекин ҳали қилинадиган ишлар яна кўп. Кескинлик аввалгидек ҳали ҳам катта бўлган, бутун инсоният учун хавф туғдираётган, агрессия ўчоқлари ҳали тугатилмаган районлар жаҳонда ҳали ҳам мавжуд. Турли социал системалардаги давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш муносабатлари учун негиз солинаётган бир вақтда бунёд қилинганни бузишга ва жаҳонни «совуқ уруш» замонларига, қайтаришга интилаётганлар ҳали ҳам қуролларини ташлаб таслим бўлганлари йўқ. Қуролланиш пойгаси тўхтатилган эмас. Ядроли бомбалар йўқ қилинган эмас. Кўпгина мамлакатларнинг ҳарбий бюджетлари ҳануз оширилмоқда. Ҳарбий блоклар тарқатиб юборилгани йўқ.

Империализм, агрессия ва реакция кучлари мустамлакачиликнинг охирги таянч пунктларини ҳали ҳам ўз қўлида ушлаб турибди. Улар фашистларнинг нисёнларини ташкил этмоқдалар. Улар халқлар ўртасига адоват ва душманлик уруғларини сочмоқдалар. Қон тўкилаётган ва агрессия қилинаётган лоақал бир қарич ер қолаверар экан, лоақал бир халқ ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқидан маҳрум қилинаберар экан, халқнинг демократик иродасини бостираётган фашист ва иркчи режимлар яшайберар экан, инсониятнинг виждони асло тинчимайди, тинчлик биносининг пойдевори мустаҳкам бўлолмайди.

Ер ресурсларининг катта қисми урушга тайёргарлик учун сарфланаётганлигига жаҳон халқлари ортиқ тоқат қилмасликлари лозим. Улар уруш қиргинида йўқ бўлиб кетиш хавфи доимий давом этаётганлигига тоқат қилмасликлари лозим. Уруш муқаррар бир нарса эмас, бироқ ер юзидаги аҳолининг 40 процентини очлик ва иқтисодий инқироз ёқасида яшашга маҳкум этган адолатсизликни йўқотолмас эканмиз, жаҳон таҳлика остида қолаверади. Бутун дунёда ҳарбий ҳаражатлар соғлиқни сақлашга қилинаётган ҳаражатлардан икки ярим баравар кўп ва маорифга қилинаётган ҳаражатлардан бир ярим баравар кўп.

Иркий камситиш, эски ва янги мустамлакачилик Африканинг кенг районларида ва жаҳонининг бошқа қисмларида одамларни қул ҳолига тушириб қўймоқда. Демократик йўл билан сайланган ҳукуматлар ағдариб ташланмоқда ёки уларга нисбатан дуқ қилинмоқда; кўп миллатли корпорациалар ҳанф давлатларнинг иқтисодий мустақиллигига таҳдид солмоқда ва уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Кўпгина мамлакатларда инсон ҳуқуқлари назар-эътиборга олинмаётир; одамлар сиёсий гражданлик, иқтисодий социал ва маданий ҳуқуқлардан маҳрум қилиб қўйилган; аёллар тенг ҳуқуқли деб гарчи сўзда эътироф қилинаётган бўлса ҳам, кўпинча улар эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлишига эришишнинг реал имкониятларидан маҳрум этилганлар; ишчиларнинг ҳуқуқлари кўпинча қонун томонидан етарли ҳимоя қилинмаётир. Халқаро миқёсда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни яхшиламоқ учун самарали механизм вужудга келтириш ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги пактларни ратификация қилдиришга ва амалга оширишга куч-ғайрат сарфлаш зарур.

Кейинги йилларда ва ҳатто кейинги ҳафталарда инсониятга қарши оғир жиноятлар қилинди. Бу жиноятлар инсоний виждонини қийноққа солмоқда. Тажаввузкорликлар ва даҳшатли қонли ўч олишлар амалга оширилди; бундай ҳоллар шу кунгача ҳам давом этмоқда. Геноцид, экоцид, маҳбусларни қийнаш ҳамда ҳамма нарсани ва ҳар кимни аралашига яксон қиладиган напалм, тузоқ-миналар сингари қурол-яроғ турларини қўлланиш, афсуски, жаҳоннинг баъзи районларида оддий бир нарса бўлиб қолди. Бунинг энг даҳшатли намуналарини ҳар бир киши етарли равишда яхши билади. Бу жиноятларнинг оддий бир нарса бўлиб қолишига, шу жиноятлардан ғазабланиш ва даҳшат ҳиссларининг ўтмасланишига йўл қўймаслигимиз лозим. Инсониятга қарши қилинаётган жиноятлар аниқ очиб ташланиши ва шунга яраша қораланиши лозим.

Тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгресси — дунёдаги оддий кишиларнинг мавжуд таҳдидларга ва адолатсизликка жавобан ўтказган анжуманидир. Конгресс инсониятнинг билими, меҳнати ва бойлиги ҳаммани емиришга ва инсонни қул қилишга қаратилмасдан, балки одамларни бахтли-саодатли қилишга қаратилиши учун янгидан-янги куч-ғайрат сарфлашга чақиради.

Халқлар талаб қилади:

— Мамлакатлар ўртасида халқаро хавфсизликка ва ҳамма соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган; барча давлатларнинг территориал бутунлигини, миллий мустақиллигини, суверенитетини, тенг ҳуқуқлилигини ҳурматлашга, ички ишларга аралашмасликка ва куч билан ёки куч қўлланмоқчи бўлиб таҳдид солишдан воз кечишга асосланган тинч-тотув яшаш принциплари қабул қилинсин ва амалга оширилсин;

— ирқчилик, эски ва янги мустамлакачилик барча кўринишлари билан бирга тугатилсин;

— ёппасига ва батамом қуролсизланиш амалга оширилсин; барча ҳарбий базалар тугатилсин ва чет эл қўшинлари олиб чиқиб кетилсин; барча ҳарбий иттифоқлар тугатилсин;

— ядро қуролидан фойдаланишни, бу қуролни ишлаб чиқаришни, синашни ва жамғаришни тақиқловчи халқаро конвенция қабул қилинсин;

— ҳамма формалардаги агрессия тўхтатилсин ва бошқа давлатларнинг территориясини зўрлик билан тортиб олишга қаратилган ҳар қандай уринишнинг пайи қирқилсин;

— ҳозирги вақтда ҳарбий мақсадларга сарфланаётган ресурслардан камбағалчиликни, саводсизликни ва касалликларни тар-томири билан йўқотиш учун, маорифни, соғлиқни сақлашни ва социал таъминотни яхшилаш учун фойдаланилсин;

— адолатсизлик йўқотилсин, инсон ҳуқуқлари тагин ҳам самаралироқ ҳимоя қилинсин;

— ҳамма халқларга ўзаларининг миллий ресурсларига эга бўлиш ва шу ресурсларни тасарруф қилиш ҳамда ўзлари хоҳлаганларича социал ва иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш ҳуқуқи берилсин;

— Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорлари тинчликни, хавфсизликни ва адолатни таъминлаш учун зарур шарт тариқасида бажарилсин.

Бу талаблар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг принципларига, Бандунг конференциясининг, блокларга қўшилмаган давлатлар конференцияларининг принципларига, шунингдек тинчликни сақлаш тўғрисида турли социал системалардаги давлатларнинг раҳбарлари яқинда имзолаган тўғри битимлар ва деклараци яларда эълон қилинган принципларга мувофиқдир.

Шу мақсадда миллий ва халқаро ташкилотлар тинчликнинг самарали воситаси бўлган жаҳон афкор оммасини сафарбар қилиш йўлидаги ўзларининг куч-ғайратларини бирлаштиришлари лозим. Бунга эришмоқ учун маориф соҳасидаги сиёсатни тегишли равишда йўллаб туриш зарур.

Биз бутун халқаро ҳамжамиятни «совуқ уруш» давридаги қарашлардан воз кечишга чақирамиз ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида айтиб ўтилганидек, «сабрли бўлиб бирга яшашга, яхши қўшнилар каби ўзаро тинчликда яшашга» чақирамиз. Ҳозирги ва келажак авлодларимизни уруш даҳшатларидан муҳофаза қилишга маҳкам бел боғлаганмиз, инсон ҳуқуқларига ва ялпи тараққиётга бўлган ишончимизни яна бир марта таъкидлаймиз. Барча кишиларнинг куч-ғайратларини бирлаштириб, тинчлик биносини фақат мана шу пойдевор устида қуриш мумкин.

Тинчликнинг қадр-қимматини билган кишиларнинг ҳаммасига мурожаат қилиб айтамизки, ақл-идрок ва ишонч ер юзида тантана қилмоғи зарур. Ақл-идрок ва ишонч тантана қилиши мумкин.

550 МИНГ ТОННА ТАЙЁР!

СИРДАРЁ ПАХТАКОРЛАРИ ЮКСАК СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРДИЛАР

КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирокида ўтган пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиғилиши қарорларидан илҳомланган Сирдарё областининг пахтакорлари она Ватанга 550 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиб, юксак социалистик мажбуриятни шараф билан бажардилар. Областда биринчи марта шундай юксак «оқ олтин» хирмони бунёд этилди. Ялпи ҳосилнинг 80,6 проценти ёки 440 минг тоннадан ошиқ пахта «зангори нема»лар бункеридан тўкилди. Йиғим-терим мавсуми қизғин борган дамларда область пахтазорларида 5 мингдан ортиқ терим агрегати юқори унум билан ишлаб турди.

Эришилган бу улкан ғалаба область меҳнаткашларининг қаҳрамонона ғайрат-шижоати, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг пахтакорлар ва механизаторлар орасида олиб борган катта сиёсий-оммавий ва ташкилотчилик ишларининг самараси бўлди.

Сирдарё областининг улкан хирмонига социалистик мажбуриятини барвақт бажарган Дўстлик, Мирзаобўл, Жиззах, Пахтакор районларининг пахтакорлари айниқса салмоқли ҳисса қўшдилар. Шуниси қувончлиги областнинг ҳамма районлари пахта тайёрлаш давлат планларини муваффақиятли бажардилар. Шунингдек қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида белгиланган планлар ошириб бажарилди. Область саноатчилари ҳам ўн ойлик планни муддатидан олдин бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Область хўжаликларида пахта йиғим-терими ва келгуси йилнинг мўл ҳосилига замин ҳозирлаш тараддуди қизғин бормоқда. Чорва қишловини намунали ўтказиш тадбирлари белгиланди.

Сирдарё чўлқуварларининг катта меҳнат жасоратига бағишланган материалларни газетанинг учинчи саҳифасида ўқийсиз.

ТУЯМЎЙИН ГИДРОУЗЕЛИДА БЕТОН ЁТҚИЗИШ БОШЛАНДИ

УРГАНЧ. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали олинди). Туямўйин гидроузелининг бунёдкорлари катта ғалабани қўлга киритдилар. Улар 4 миллион 200 минг куб метр ҳажмда тупроқ ва тош қатламларини қазиб чиқариш ишларини поёнига етказишди. Гидроузел котлованига гантанали суръатда бетон ётқизиш бошланди. Авлодларга қарата битилган мактуб гидроузел пойдевори остига қўйилди. В. Визгин бошлиқ бригада бетончилари ана шу ҳаяжонли дамларда иншоот пойдеворига бетон ётқизишни бошлаб беришди.

Улкан гидроузелга бетон ётқизишга бағишланган тантанали митингни Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов очди. Йиғилишда гидроузел қурилиш бошқармасининг бошлиғи А. Корниенко, гидроузел дирекциясининг директори П. Ризаев ўртоқлар қўлга киритилган ютуқлар ва эришмадаги вазифалар ҳақида гапиришди.

Митингда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Ф. ЗОҲИДОВ.

4.850 МИНГ ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 2 ноябрга бўлган маълумот

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада бир кунда	Шу жумладан машинада мавсум бошидан
СИРДАРЁ	0,58	119,54	0,14	135,49
АНДИЖОН	0,26	113,49	0,37	134,90
ТОШКЕНТ	0.42	111,25	0,32	114,43
ҚАШҚАДАРЁ	0.36	110,77	0.56	101,95
СУРХОНДАРЁ	0,42	109,68	0,27	106,30
НАМАНГАН	0,46	106,71	0,44	147,69
САМАРҚАНД	0,79	104,38	0.28	133,60
ФАРҒОНА	0,44	103,80	0.31	119,70
ҚҚ АССР	0,54	101,68	0,30	104,86
Хоразм	0,66	101,45	0,92	96,72
Бухоро	0,40	85,27	0,77	93,38
Республика бўйича:	0,48	106,20	0,40	119,09
	Шу жумладан ингичка толали пахта			
Қашқадарё	1,01	96.80		
Сурхондарё	0.69	96,36		
Бухоро	0,70	38,10		
Республика бўйича:	0,78	91,86		

Тодор Живков Москвага келди

Болгария Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Тодор Живков КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан қисқа муддатли дўстлик визити билан 2 ноябрда Москвага келди. Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари П. Кубадинский, Болгария Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, БХР ташқи ишлар министри П. Младёнов, Болгария Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, БХР халқ мудофаси министрининг биринчи ўринбосари А. Семержиев, Болгария Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Болгария ёзувчилар союзининг раиси П. Зарев, Болгария Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Болгария Компартияси Марказий Комитети биринчи секретарининг ёрдамчиси М. Балев Т. Живков билан бирга келишди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари С. Б. Ниёзбеков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. А. Лесечко, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Б. П. Бугаев, Н. М. Пегов, К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат С. К. Цвигун ва бошқа расмий кишилар БХР ва СССР давлат байроқлари билан безатилган аэродромда болгар ўртоқларни кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида БХРнинг СССРдаги элчиси Д. Жулев, МХРнинг СССРдаги элчиси Х. Банзрагч ҳам бор эди.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

1 ноябрда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев ва КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг ўринбосари Р. А. Ульяновский Исроил Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ИКП Марказий Комитети секретари К. Туби, ИКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси Р. Любич ва ИКП Марказий контроль комиссиясининг раиси В. Эрлихдан иборат Исроил Коммунистик партияси делегацияси билан учрашди.

Исроил Компартияси делегацияси партиянинг Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун олиб борётган кураши тўғрисида, 1973 йил октябрь ойида уруш ҳаракатлари яна бошланиб кетгандан кейин ИКП уруш ҳаракатларини тўхатишга, араб территориясини оккупация қилиб туришга хотима беришга ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрдаги резолюцияси ни бажаришга даъват этганлиги тўғрисида ахборот берди.

ИКП ҳисоблайдики, сўнгги воқеалар АҚШ империалистик доираларининг мададидан фойдаланаётган Исроил ҳукмронларининг босқинчилик сиёсати шарманда бўлганлигини кўрсатди. ИКП мамлакатнинг хавфсизлиги араб ерларини оккупация қилиш ва босиб олиш йўли билан эмас, балки араб мамлакатлари билан адолатли тинчликка эришиш натижасидагина таъминланиши мумкин эканлигини яна таъкидлаб ўтади. Бу адолатли тинчлик фаластин араб халқининг ва Яқин Шарқдаги барча давлатларнинг қонуний ҳуқуқларини, шу жумладан, Исроилнинг суверен яшаш ҳуқуқини гарантиялайди.

ИКП делегацияси Яқин Шарқдаги уруш ҳаракатлари пайтида Совет Иттифоқи амалга оширган ташқи сиёсий тадбирларга юксак баҳо берди.

Ҳар иккала партиянинг вакиллари Яқин Шарқдаги можарода қатнашаётган ҳамма томонлар БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1973 йил 22, 23 ва 25 октябрдаги резолюциялари қатъий амалга оширилиши кераклигини уқтириб ўтдилар.

ИКП делегацияси тинчликсевар кучларнинг Москвада бўлиб ўтган жаҳон конгрессида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг нутқи тарихий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди. Бу нутқ ялпи тинчлик ишига, миллий озодлик курашига, Яқин Шарқда тинчликни таъминлашга қўшилган муҳим ҳисса бўлди.

КПСС вакиллари Исроил Компартиясининг интернационалистик сиёсати Яқин Шарқдаги можарони адолатли бартараф этиш учун курашга қўшилган ҳисса эканлигини айтдилар.

Учрашув қардошларча вазиятда ўтди ва муҳокама қилинган масалалар ҳусусида томонларнинг бир фикрда эканлигини кўрсатди.

САЛОМ, КИЕВ!

ҚАРДОШ УКРАИНА ПОЙТАХТИ — КИЕВНИНГ ФАШИСТ БОСҚИНЧИЛАР АСОРАТИДАН ОЗОД ҚИЛИНГАНИГА 30 ЙИЛ ТЎЛДИ

(ҲАРБИЙ ЖУРНАЛИСТ ЕН ДАФТАРИДАН).

Гўзал Украина далаларида,
Яна аввалгидай табиат гуллар.
Буюк Россиянинг ўрмонларида,
Бизларни ёд этиб сайрар булбуллар.
Ҳамид ОЛИМЖОН.

1943 йилнинг ёзида Курск атрофида бўлган қаттиқ жанглар Улуғ Ватан уруши ва умуман иккинчи жаҳон уруши тарихида ўчмас из қолдирди. Баҳодир совет қўшинлари 5 августда қадимий рус шаҳарлари Белгород ва Орёлни фашист босқинчилардан озод қилдилар. Сўнгра улар қардош Украинанинг йирик саноат ва маданий марказларидан бири бўлмиш Харьков шаҳридан душманни қувиб чиқардилар.

Стратегик ташаббусни ўз қўлларига ўзил-кесил мустаҳкамлаб олган совет қўшинлари Днепрнинг сўл соҳилидаги Украина ерларини ҳамда Донбассни озод қилишга киришдилар. Улар фашистларни шиддат билан қувиб бориб, совет шаҳар ва қишлоқларини душмандан тозалаб, азим Днепр бўйларига чиқиб олдилар.

Қўшинларимиз Днепрдан кечиб ўтиб, ўнг соҳилдаги Украина ерларини озод қилишга бел боғладилар. Улар орасида ўзбек халқининг мингларча ўғлонлари ҳам бор эди.

Самарқандлик старший сержант Абдуазиз Насимов Днепрдан кечиб ўтиш олдидан унинг сувидан қониб ичди, сўнгра ўз взводи жангчиларига мурожаат қилди:

«Оғайнилар, эсингизда бўлсин, ҳар бир қишлоқ, ҳар бир шаҳар ёнидан катта ва кичик анҳорлар оқади. Мен Самарқанд яқинида тураман. Сиёб— менинг уйим ёнидан оқади. Ҳозир биз Днепрдан кечиб ўтишга тайёрланаётирмиз. Днепр катта дарё. Сиёб эса кичкина. Агар биз Днепр бўйларидан лаҳнати фашистларни ҳайдаб юборсак, бу дарё мингларча анҳор ва ариқларни ҳимоя қилади».

Жангчиларимиз мардлик ва жасорат кўрсатиб, азим дарёдан кечиб ўтиб, ўнг соҳилдан плацдарм ишғол қила бошладилар. Фронтимиз оддий аскарларидан комсомол аъзолари В. Н. Иванов, Н. Е. Петухов, И. Д. Семёнов ва В. А. Сисолятин биринчи бўлиб Днепрдан кечиб ўтишди ва бошқаларга намуна кўрсатишди. Буларнинг жасоратига ҳамма қойил қолди. Улар қардош Украина пойтахти — Киев яқинидан плацдарм ишғол қилдилар ва партизанлар ёрдами билан душман ҳужумини қайтариб турдилар.

Қўшинларимиз ҳамма воситаларни ишга солиб, довюраклик билан дарёдан кечиб ўтдилар ва ўнг соҳилда маҳкам ўрнашиб олдилар. Душманнинг ердан ва ҳаводан ёғдирган ўқлари ботирларимизнинг шаштини қайтара олмади. Гитлерчиларнинг жон аччиғида қилган ҳужумлари қайтариб турилди ва улар ҳар сафар орқага чекинишга мажбур бўлдилар.

Биз, бир группа ўзбек ҳарбий журналистлари ҳам хизмат қилаётган 1-Украина фронти қўшинлари зиммасига Совет Украинасининг пойтахти муқаддас Киевни озод қилиш каби шарафли вазифа тушди. Фронтимиз қўшинларининг қўмондони армия генерали Н. Ф. Ватутин, унинг жанговар ўринбосари генерал полковник А. А. Гречко раҳбарлиги остида фронтдаги қўшинларнинг ҳамма қисмларида кенг сиёсий ва жанговар ҳозирлик ишлари олиб борилди. Партия ташкилотлари ва улар составидаги 135 минг коммунист жангчилар орасида сиёсий-тарбиявий ишларни қизитиб юбордилар. Айниқса янги келган жангчиларни мардлик ,жасорат руҳида тарбиялашга катта эътибор берилди.

Фронтимизда рус, украин, ўзбек, қозоқ, татар тилларида чиқиб турган газеталар жангчиларни янги жангларда мардлик ва жасорат кўрсатишга чақирарди "«Қардош Украина пойтахти муқаддас Киевни озод қилиш учун янги жангларга шайланайлик!», «Улуғ Октябрнинг 26-йиллигига қадар Киевни озод қилайлик!», «Ватан буйруғини бажариб, Киевни фашистлар тутқунлигидан озод қилайлик!».

Киев жанглари бошланиши олдидан ҳамма тилларда чиқадиган фронт газеталарида ВКП(б) Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 26-йиллигига аталган чақириқлари эълон қилинди. Сиёсий ходимлар, агитаторлар бу газеталарни олиб олдинги позициялардаги қисмларга жўнадилар ва партия шиорларини жангчиларнинг дилига жо қилдилар. Партия Марказий Комитети чақириқларида жмладан бундай дейилган эди:

«Қизил Армиянинг шавкатли жангчилари! Немис-фашистлар зулми остида инграб ётган миллион-миллион совет кишилари сизларни ўз халоскорлари деб кутмоқдалар. Душманни қаттиқроқ савалангиз, немис босқинчиларни қирингиз! Совет ерини батамом озод қилиш учун ғалаба томон, олға!»

Бу чақириқ фронтимиздаги барча миллат жангчиларини янгидан-янги мардлик ва жасорат кўрсатишга илҳомлантирди. Киевни озод қилиш учун бошланадиган жанглар ленинчи комсомолнинг шонли 25-йиллигига тўғри келди. Фронтимиздаги комсомол солдат бу улуғ санани жонажон Киевни озод қилиш билан нишонлашга қасамёд қилдилар.

Ўша кунларда ўзбек халқининг ботир фарзанди, комсомол аъзоси Қудрат Суюновнинг жанг майдонида кўрсатган жасорати тилларда достон бўлди.

Бўлим командири Қудрат Суюнов Днепрнинг ўнг қирғоғидаги қаттиқ жанглардан бирида оғир ярадор бўлди. Унинг бўлими энг олдинда ҳужум қилиб бораётган эди. Лекин жангчиларимизга қараб тўхтовсиз ўқ отаётган немис пулемёти уларнинг илгари силжишига халақит берарди.

Ботир жангчи Қудрат Суюнов қаттиқ яраланган бўлишига ва кўп қон оқиб, ҳолдан кетишига қарамай, фашист пулемётига қараб сурғалди. У душман пулемёти қаршисига борди-ю, бутун кучини йиғиб, унга граната иргитди. Шу ондаёқ пулемётнинг овози ўчди. Жангчиларимиз дарҳол ўринларидан туриб гитлерчилар устига шердек ташландилар ва муҳим маррани ишғол қилдилар.

Совет Украинаси учун, унинг муқаддас пойтахти — Киев шаҳри учун жон фидо қилган баҳодир жангчи Қудрат Суюновга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Ниҳоят, мана зориқиб кутилган кун бошланди. 3 ноябрь тонг саҳарда минглаб ўқ қирқ минут давомида душман ғалалари ва истеҳкомлари устига ажал уруғи ёғдирилди. Шундан сўнг совет жангчилари «жонажон Киев учун, қардош Украина учун!» деган кучли наъра билан олға бостилар. Улар тўпларимиз зарбидан эсни йўқотиб қўйган гитлерчиларнинг траншеяларига бостириб кирдилар.

Киев атрофида қонли жанглар бошланиб кетди. Душман аскарлари қаттиқ қаршилик кўрсатар, тинмай қарши ҳужум қилар, ҳаводан қўшинларимиз устига бомбалар ёғдирарди. Лекин улар совет жангчиларининг кучли зарбасига бардош беролмадилар.

Сурункасига уч кеча-кундуз давом этган шиддатли жанглардан кейин 1943 йил 6 ноябрда, Улуғ Октябрь Социалистик революцияси арафасида, қардош совет Украинасининг пойтахти жонажон Киев фашист босқинчилардан батамом озод қилинди. Жонажон Москва Киевни озод қилган қўшинларимиз шарафига уч юз йигирма тўрт тўпдан йигирма тўрт марта салют берди.

Фашистлар зулмидан ўрмонларга, ертўлаларга қочиб беқинган, ҳолдан тойган шаҳар аҳолиси уйларига қайтиб кела бошлади. Уларнинг кўпончи ичига сиғмас эди, кўзларидан дув-дув оқаётган шодлик ёшларини тўхтатолмай, ўз халоскорлари бўлмиш Қизил Армия жангчиларини бағриларига босиб, юз-кўзларидан ўпар, уларга минг-минг раҳматлар айтардилар. Озод аҳолининг ғалаба шодиёнаси Улуғ Октябрь шодиёнаси билан қўшилиб кетган эди. Шаҳарнинг ҳар ерида тўпланган маҳаллий: аҳоли, жангчилар, партизанлар бир-бирларини табриклашиб, муборакбод қилишарди.

Днепрдан кечиб ўтишда ва Украина пойтахтини озод қилишда зўр мардлик ва жасорат кўрсатган жуда кўп жангчиларга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Бу қаҳрамонлар орасида Совет Иттифоқидаги барча қардош халқларнинг мард фарзандари қаторида ўзбек халқининг ҳам Бўтабой Содиқов, Содиқ Алиназаров, Атаулла Солиҳов, Абдулла Йўлдошев, Мамасоли Тешабоев каби мард ўғлонлари бор эди.

Аммо фашист газандалар ғўзал Киев шаҳрини хароб қилиб ташлаган эдилар. Муҳташам бинолари ер билан яксон бўлган, айниқса ажойиб Крешчати хиёбони, ундаги минг йиллик қадимий обидалар вайрон қилинган эди.

Азамат киевликлар партия ва совет ташкилотлари раҳбарлигида уруш жароҳатларини қисқа муддат ичида битириб, шаҳарни қайта бунёд қилдилар. Улуғ Ватан уруши даврида Киев меҳнаткашлари фашист босқинчиларга қарши курашда мардлик ва жасорат кўрсатганликлари учун Киевга Қаҳрамон шаҳар номи берилди. Киевликлар ҳозир барча совет халқлари билан нурафшон коммунизмнинг улуғвор биносини қурмоқдалар.

Қардош Украина ва муқаддас Киевни фашистлар асоратидан қутқаришда қатнашган биз Улуғ Ватан уруши ветеранлари азиз дўстларимизни бугунги улуғ айём билан муборакбод этамиз.

Рустам АБДУРАҲМОНОВ,
истеъдодли майор.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ 1973 ЙИЛ 22 ВА 23 ОКТЯБРДАГИ РЕЗОЛЮЦИЯЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛСИН

Яқин Шарқда 1973 йилнинг октябридаги воқеалар шу райондаги ҳар қандай можаро бутун дунёда тинчлик учун нақадар катта хавф эканлигини жуда ҳам яққол кўрсатди.

Тинчликсевар кучларнинг 1973 йил 25-31 октябрда Москвада бўлиб ўтган жаҳон конгресси барча тинчлик кучларини, барча сиёсий партияларни, ҳамма мамлакатлардаги оммавий ҳаракатларни ва жамоат ташкилотларини Хавфсизлик Кенгашининг 1973 йил 22 ва 23 октябрдаги резолюцияларини дарҳол амалга оширишга эришмоқ учун афкор оммани жуда кенг миқёсда сафарбар қилишга чақиради.

Ҳозирги кундаги вазият тез ва самарали ҳаракатлар қилишни талаб этади, шу сабабли ҳам миллий миқёсдаги, ҳам халқаро миқёсдаги барча тинчликсевар кучларнинг бурчи шуки, улар Яқин Шарқ халқларига ҳам, бутун дунёдаги тинчлик ишига ҳам жуда зарур бўлган мана шу ҳаракатларда актив қатнашишлари лозим.

БУНДАН БУЁНГИ ҲАРАКАТЛАР

1. Тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгресси энг хилма-хил сиёсий ва бошқа қарашларнинг ҳаммасини ифодаловчи жамоат ташкилотларининг гоят кенг ва ваколатли анжумани бўлиб, энг турли сиёсий маслакдаги одамлар ўртасида ҳамжиҳатликни ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида, тинчлик, миллий мустақиллик, халқаро хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари ва социал тараққиёт манфаатларини кўзлаб миллий ва халқаро миқёсда бирғаликда куч-ғайрат сарфлашнинг бошланишидир, холос.

2. Конгресс шу анжуманда қатнашган ҳам миллий, ҳам халқаро барча ташкилотларга мурожаат қилиб, уларни турли докладларни ва амалий тавсияларни маъқуллашга ҳамда уларни ўз ишларининг методларига, традицияларига, қоидаларига ва шароитига мувофиқ келадиган тарзда ва шакларда амалга оширишга, бу ишда тегишли ташкилотлар ва ҳаракатларнинг мустақиллигини ҳурматлаш принципларига амал қилишга чақиради. Конгресс барча ташкилотларга, партияларга ва ҳаракатларга ҳам мурожаат қилиб, уларни конгресс учун характерли бўлган ҳамкорлик, мулоқот ва бирғаликда ишлаш руҳини ривожлантиришга чақиради.

3. Шу билан бир вақтда жаҳон конгресси шу конгрессни ўтказиш тайёргарлигини кўрган халқаро комитетга, жумладан:

а) конгресс қарорларини, докладларини ва таклифларини мумкин қадар кенгроқ тарқатишни таъминлаш;

б) Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, Африка бирлиги ташкилотига ва бошқа ҳукуматлараро ташкилотларга конгресснинг қарорлари ва тавсиялари тўғрисида ахборот бермоқ учун делегациялар юбориш ҳамда;

в) конгрессда бошлаб берилган алоқаларни ва ҳамкорликни давом эттириш йўллари ва воситалари тўғрисида конгрессда қатнашган ташкилотлар ўртасида мунозаралар ўтказишга кўмаклашиш вазифасини топширади.

4. Турли комиссияларда қилинган тавсияларни ҳисобга олиб, конгресс раҳбарлик комитетининг аъзоларидан ва унинг мансабдор кишиларидан (уларнинг тегишли ташкилотларидан розилик олиниши билан) келишиб олиниши мумкин бўлган яна қандай чоралар кўришни белгилаб олишни назарда тутиб, ана шу маслаҳатлашувларнинг натижаларини кўриб чиқмоқ учун уч ёки тўрт ойдан сўнг яна тўпланишни илтимос қилади.

5. Шунингдек конгресс барча миллий делегацияларга ўзларига хос бўлган шароитларига мувофиқ ва ўз методларига амал қилиб, миллий ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни давом эттирмоқ учун ўзларининг тегишли мамлакатларида худди шундай консультациялар ўтказиш чораларини кўришни тавсия этади.

МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин Яман Халқ Демократик Республикаси Марказий Комитети Бош секретари Абдул Фаттоҳ Исмоил га, ЯХДР президент кенгаши раиси Салим Рубиё Алига, ЯХДР Бош министри Носир Муҳаммадга телеграмма йўллаб, демократик Яманнинг миллий байрами — революция куни муносабати билан самимий қутловларини изҳор қилдилар ва энг яхши истакларини билдирдилар.

А. А. ГРОМИКО БИЛАН В. ШЕЕЛЬ МУЗОКАРАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан ГФР Федераль-канцлерининг ўринбосари, ташқи ишлар министри В. Шеель ўртасида олиб борилаётган музокаралар 2 ноябрь куни давом эттирилди. Музокаралар ишчанлик вазиятида ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

Шу куни В. Шеель СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико шарафига нонушта зиёфат берди. Зиёфат чоғида В. Шеель билан А. А. Громико нутқ сўзладилар. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Республика партия ва давлат органларида кўп йиллар, самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети фан, маданият ва соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари Долла Владимировна Сергеевани Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Деҳқон бўлсанг шудгор қил!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 2 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

	Биринчи ступ — областлар, иккинчи ступ — ҳаҳдалган майдон (гектар ҳисобида); учинчи ступ — планнинг бажарилиш процанти		
Хоразм	2870	35,9
Тошкент	66349	30,1
Наманган	15630	11,6
Фарғона	12268	9,2
Бухоро	12460	6,8
Андижон	11070	6,3
Қашқадарё	9084	6,3
Самарқанд	14579	6,1
Сирдарё	15286	5,3
Сурхондарё	6718	4,6
ҚҚ АССР	1614	2,4
Республика бўйича:	167928	9,8

СССР МУДОФАА МИНИСТРИ СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ А. А. ГРЕЧКОГА

Ҳурматли ўртоқ маршал!

Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари бошига тушган жудолик — Совет Иттифоқи Маршали Семён Михайлович Будённий вафот этганлиги муносабати билан менинг чуқур қайғу ҳислари билан таъзиямни Сизга изҳор қилишга рухсат бергайсиз.

Чехословакия халқи гражданлар урушининг афсонавий қаҳрамони хотирасини абадий сақлайди, Совет ҳокиятининг дастлабки эришган катта ғалабалари унинг номи билан чамбарчас боғлангандир. Улуғ Ватан урушининг улуғ саркардасини, фашист босқинчиларга қарши курашни ташкил этишда унинг гоят катта роль ўйнаганлигини, бинобарин, ватанимизни умумий душманимиздан хадос қилиш соҳасидаги унинг хизматларини ҳеч қачон унутмаймиз.

Унинг хотираси абадий сақланади!

Армия генерали
Людвик СВОБОДА.
Чехословакия Социалистик Республикаси Президенти.

ТОШКЕНТДАГИ УЧРАШУВЛАР

Тинчликсевар кучлар жаҳон конгресси қатнашчиларидан катта бир группаси — Миср Араб Республикаси, Аргентина, Австрия, Колумбия, Нигерия, ГФР ва бошқа бир қанча чет мамлакатлар жамоат арбоблари Тошкентга келди.

2 ноябрда меҳмонлар Тошкент тўқимачилик комбинати билан «Таштекстильмаш» заводида бўлдилар. Улар корхоналарнинг ишлаб чиқариш участкалари билан танишдилар, бу ерда бўлиб ўтган митингларда қатнашдилар.

— Биз ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг конгрессда сўзлаган нутқини қизғин маъқуллаймиз. КПСС XXIV съезди белгилаб берган Тинчлик программаси муваффақиятли амалга ошириб борилаётганлиги шу нутқда яққол айтилган. Биз ишчилар, тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгресси иши бутун дунёда тинчликни янада мустаҳкамлаш ишига яхши ҳиссамат қилади, деб ишонамиз, — деди «Таштекстильмаш» заводининг слесари М. Кулибаев.

Колумбиядан тинчликсевар кучлар жаҳон конгрессининг делегати Эктор Перилья ер юзида мустаҳкам тинчлик учун курашга катта ҳисса қўшганликлари учун совет ишчиларига қизғин миннатдорчилик билдирди.

Митингларнинг қатнашчилари қабул қилган резолюцияларида тинчликсевар кучлар жаҳон конгрессининг халқаро кескинликни юмшатиш учун курашда халқлар бирдамлигини мустаҳкамлаш борасида қабул қилган қарорларини қизғин маъқуллаганликларини изҳор этдилар.

Тинчликсевар кучлар жаҳон конгрессининг қатнашчилари Тошкент шаҳар ижроия комитетида қабул қилиндилар ва улар Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилишлари билан танишдилар. (ЎзТАГ).

Ташқи мамлакатларда

АНВАР САДАТНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ҚОҲИРА, 1 ноябрь. (ТАСС). Миср Араб Республикасининг президенти Анвар Садат бу ердаги матбуот конференциясида гапириб, Яқин Шарқдаги аҳволнинг ҳарбий ва сиёсий жиҳатларига тўхталиб ўтди. Миср Хавфсизлик Кенгашининг 22 октябрь резолюциясини қабул қилди, чунки бу резолюция ўт очишни 22 октябрда томонлар эгаллаб турган позицияларда тўхтатишни, шунингдек Хавфсизлик Кенгашининг оккупация қилиб олинган ҳамма араб ерларидаги Исроил қўшинларини олиб чиқиб кетишни талаб қилувчи 242 (1967 йил) резолюциясини дарҳол бажаришни кўзда тутади, деди президент.

Миср Араб Республикасининг президенти Яқин Шарқдаги тинглик даврида Совет Иттифоқи ва АҚШ тутган позициялар тўғрисида гапириб, қуйидагиларни таъкидлади: «Совет Иттифоқи дўст сифатида ва тинчликни сақлаш учун зиммасига масъулият олган буюк давлат сифатида ўз вазифаларини бажармоқда». Қўшма Штатлар, деди у сўнгра, гарчи Исроилга қурол-арғ етказиб берган бўлса ҳам, айни вақтда «тинчликка эришиш учун конструктив позицияга» ўтди. Биз билан «вужудга келган вазиятга доир масалаларни» муҳокама қилиш учун АҚШ давлат секретари Г. Киссинжернинг тез орада Қоҳирага келишини кутмоқдамиз, — деди А. Садат.

Миср билан Сурия Исроил агрессиясига жавобан уруш ҳаракатлари бошлаганликларини эслатиб, Миср Араб Республикасининг президенти Миср қўшинлари Сувайш каналини муваффақиятли равишда кечиб ўтганлигини, бу қўшинлар жанговар ҳаракатларнинг дастлабки уч куни мобайнида «Барлев линияси» истеҳкомларини қўлга олганлигини қайд қилди. Шу даврнинг ўзида Исроил Миср фронтида 500 та танкидан ва кўпдан-кўп самолётларидан маҳрум бўлганлигини Исроилнинг ўзи эътироф қилди.

Исроил қўшинлари Сувайш каналининг ғарбий соҳилига Деверсуар районида кечиб ўтиб, амалга оширган операция ҳарбий мақсадлардан кўра сиёсий ва психологик мақсадларга эришишни кўпроқ кўзлаган эди, деди сўзини давом эттириб президент.

«Ҳозирги проблема 22 октябргача қўшинлар жойлашган чизиқ тўғрисида баҳслашишдан ёки ҳарбий асирларни айирбошлаш муддатлари тўғрисида гаплашишдан иборат эмас, — деб таъкидлади А. Садат. Проблема тинчлик масаласини ҳал этишдан иборат. Бизнинг истагимиз ерларимизни қайтариб олишдан ва адолатга асосланган тинчликка бўлган ҳуқуқимизни амалга оширишдан иборат».

«Музокаралар ҳали давом этмоқда» деган баҳона билан Исроил қўшинларини Сувайш каналининг ғарбий соҳилида туришига Миср рози бўлмайди деб таъкидлади президент. Башарти, Миср Араб Республикасининг каналнинг шарқий соҳилидаги қўшинлари бирон-бир хавф хатарга учрайдиган бўлса, «Миср» вазиятга қараб зарур чораларни кўришга мажбур бўлади», деб ҳам огоҳлантирди у.

Тинчликка олиб борадиган йўл, деди сўнгра А. Садат, хавфсизлик кенгашининг 242-резолюциясини бажаришдир. Бинобарин, Миср шу резолюциядаги ҳамма талабларни бажаришга тайёр эканлигини айтади. «Биз сўз билан иш ўртасидаги ҳақиқатан ҳам бир-бирига мос тушишини таъминламоқ учун ишни қўшинларни орқага қайтаришдан бошлашни таклиф қилган бўлар эдик. Можароининг бартараф этишнинг шу босқичида Миср Суэйш каналини бўйлаб халқаро кема қатновини бошлашга тайёргарлик кўришга дарҳол киришиш ниятида эканлигини биз илгари айтган эдик».

Тинчлик муваққат бўлиши ёки Миср учунгина тинчлик бўлиши мумкин эмас, деди сўзининг охирида А. Садат. Можарони тинч бартараф этиш шартлари Миср билан Суриянинг талабларини қондириши, шунингдек фаластинлик араб халқининг қонуниларини таъминлаши ҳам лозим.

КОРЕЯ Халқ Демократик Республикасининг тўқимачилик корхоналарида эскириб қолган ускуналарни конструкция қилиш, янги технологияни жорий этиш қизғин олиб борилмоқда. Республикада 6 йиллик охиригача корхоналар 500 миллион метр газлама ишлаб чиқарадиган даражага етади. Суратда: Хамхин тўқимачилик комбинатида.

ЦТАК — ТАСС фотоси.

ПРЕЗИДЕНТ Ж. ПОМПИДУ МУРОЖААТИ

ПАРИЖ, 1 ноябрь. (ТАСС). Франция президенти Ж. Помпиду умумий бозорга аъзо бўлган мамлакатлар ҳукуматларининг бошлиқларига мурожаат қилиб, Яқин Шарқдаги аҳволни ва бошқа проблемаларни муҳокама қилиш учун шу йилнинг охирида олий даражада учрашув ўтказишни таклиф қилди. Франция ҳукуматининг вакили шу ҳақда хабар берди.

Оқ уйда учрашув

ВАШИНГТОН, 1 ноябрь. (ТАСС). Президент Р. Никсон Оқ уйда шу ерга келган Миср Араб Республикасининг ташқи ишлар министри Исмоил Фаҳми билан учрашди. Учрашувда АКШ давлат секретари, президентнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Г. Киссенжер қатнашди.

Бундан илгари И. Фаҳми билан Г. Киссинжер уч марта учрашган эдилар.

МАР президенти фармони

ҚОҲИРА, 1 ноябрь. (ТАСС). МЕН агентлиги хабар беради: Миср Араб Республикаси президентининг Фармонига биноан туризм министри Исмоил Фаҳми МАР ташқи ишлар министри қилиб тайинланди. Собиқ ташқи ишлар министри М. Арзиёд Миср президенти А. Садатнинг маслаҳатчиси қилиб тайинланди.

телетайп лентасидан

◆ БУДАПЕШТ. Бу ерда Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг кенгайтирилган пленуми бўлди. Пленум Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Кадар раислигида ўтди.

Пленум Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг секретари А. Пулланинг «Халқаро аҳволнинг актуал масалалари» деган ҳисобот докладини, шунингдек, бошқа баъзи масалаларини муҳокама қилди.

◆ РИМ. ТАСС мухбири А. Васильев хабар беради: бу ерда «Зур» конгресслар саройида Италия хотин-қизларининг IX миллий съезди очилди. Съезда союзнинг 240 минг аъзосидан вакил бўлиб келган 600 га яқин делегат қатнашмоқда. Залдагилар съездга меҳмон бўлиб келган Ортенсия Бусси де Альендени гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди.

Союз секретариатининг аъзоси Мария Пикконе Стелла «Ҳозирги жамиятда аёлларнинг роли тўғрисида» доклад қилди.

◆ СОФИЯ. Болгарияда совет маданияти кунлари бошланди. Шу муносабат билан бутун мамлакатда ўтказиладиган тадбирлар Улуғ Октябрнинг 56 йиллигига бағишланади. (ТАСС).

МЕҲНАТДА ҲАМ ЎРНАК

ПБИП марказий Комитетининг органи — «Трибуна люду» газетаси ВДРдаги ўз мухбирининг Вьетнам Демократик республикасида урушдан кейинги қайта тиклаш ишларининг бориши тўғрисидаги мақоласини босиб чиқарди.

Новости матбуот агентлиги ана шу мақолани бирмунча қисқартириб, ўқувчиларга ҳавола қилади.

Вьетнам Демократик Республикасида қайта тиклаш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилаётир. Электр қуввати ишлаб чиқариш урушдан олдинги йиллардагига қараганда 75 процентга етиб қолди, тош кўмир қазиб чиқариш эса 100 процентга етди. Транспорт ходимлари барча трассаларда поездларнинг мунтазам қатнашини йўлга қўйдилар.

Тинчлик ўрнатилганидан кейинги саккиз ой мобайнида темир йўл ва тош йўллар устидаги энг йирик 50 та кўприк тикланди. 50 мўнг бомбархоналарнинг бинолари қайта ремонт қилинди, 4 минг квадрат километр темирйўл платформаси тикланди. Кейинги йилларда қурилиб фойдаланишга топширилган йўлларнинг барчасининг масофаси 10 минг километрдан ошиб кетади. Халқ хўжалик юкларини қайта тикланган йўллардан ташишлиги август ойининг ўзидаёқ урушдан олдинги йиллардаги даражага етди.

ВДР уруш жароҳатларини тиклаш билан бирга СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ёрдамида ўзининг келгусидаги экономик планларини ривожлантиришга ҳам киришди. Машинасозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган бош йўли яқин йиллар ичида порт ва темир йўл станцияларининг юк ортиш ускуналарининг бирдан бир ишлаб чиқариш корхонасига айланади. Кема ремонт верфлари ва Хайфонининг механика саноат корхоналарида ҳозир 300 тонна юк кўтара оладиган ўзи юрар дарё баржаларини серияли равишда ишлаб чиқариш ташкил этилди. Балиқчилик кооперативлари ўзларининг қадимий жонкалари ўрнига янги катерлар оладилар.

Саноатни ривожлантиришнинг бошқа бош йўлларидан бири қишлоқ хўжалиги машиналари ва ускуналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир. Яқинда Ханойда ўтказилган кўргазмада жажжи трактор қишлоқ механиклаштирилган катта қизиқиш уйғотди. Яқин келажакда 12 от кучига эга бўлган шундай тракторлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган насосларни ҳам оммавий равишда ишлаб чиқариш киришилади.

ВДРда қишлоқ хўжалигини тиклашга қилинаётган ҳаракатлар нима сабабданлиги ўз-ўзидан маълум. Ҳозирги биринчи вазифалардан бири — бузилган дамба ва мелиоратив мосламаларни тиклаш — ҳозирги тинчлик даврининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолди, уларнинг қисмларини эса амалга оширилди. ВДР матбуоти бу йил галла ҳосилини кўпайтириш, савдо-сотиқни ривожлантириш тўғрисида хабарлар бериб бормоқда. Банан, ананас, техника экинлари майдонларини кенгайтирилмоқда.

(«Трибуна люду» — АПН).

СИРДАРЁ ТУҲФАСИ

ҚЎРИҚ СИРДАРЁ ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИ ОНА-ВАТАНГА 550 МИНГ ТОННА «ОҚ ОЛТИН» АРМУҒОН ЭТИБ, СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТНИ ОШИРИБ БАЖАРДИЛАР. 440 МИНГ ТОННА ПАХТА МАШИНАЛАРДА ТЕРИЛДИ. БУ МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ СИРДАРЁ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ БАЙРАМИГА МУНОСИБ СОВҒАСИДИР.

Сирдарё хирмонлари

ЧЎЛҚУВАРЛАР ЖАСОРАТИ

Қ. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон КП Сирдарё область комитетининг биринчи секретари

КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи зарбдор йили топшириқларини бажариш учун астойдил курашаётган областимиз меҳнаткашлари катта меҳнат зафарларини қўлга киритмоқдалар. Саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш 10 ойлик планини муддатидан илгари бажардилар. Қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлар қурилиш суръатини тезлаштириш, аҳолига намунали хизмат кўрсатишда яхши натижаларга эришмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикамизга Ватанинг юксак мукофоти — Халқлар дўстлиги ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлисда ва пахтакор республиклар партия-хўжалик активи йиғилишида берган кўрсатмалари ва маслаҳатларини жанговар иш программаси деб қабул қилган область меҳнаткашлари 1973 йилги юксак социалистик мажбуриятни 2 ноябрда шараф билан бажардилар. Улар партия ва ҳукуматимиз кўрсатаётган катта амалий ёрдам ва ғамхўрликларга жавобан давлатга 550 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. «Голодностепстрой» бошқармасига қарашли совхозлар давлатга 260 минг тоннага яқин, ва янги ўзлаштирилган ерлардаги совхозлар ҳаммаси эса 310 минг тоннадан кўп ҳосил йиғиб олдилар. Областда топширилган пахта ҳосилининг 440 минг тоннаси машиналар ёрдами билан терилди.

Партия комитетлари терим мавсумини муваффақиятли ўтказиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиладилар. Социалистик мусобақа авж олдириб юборилди, илғорлар тажрибаси оммалаштирилди. Меҳнатни тўғри ташкил этиш, терим пешқадамларини ўз вақтида моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг прогрессив формаларидан фойдаланилди. Бу соҳада Мирзачўл район партия комитети ва «Социализм» совхози партия ташкилотининг йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан ишлаб чиққан тадбирлари ва бошқа илғор хўжаликлар тажрибаларининг кенг оммалаштирилиши муҳим роль ўйнади.

Область механизаторлари Узбекистон механик-ҳайдовчиларининг ҳар бир терим машинасининг юксак унум билан ишлашини таъминлаш ҳақидаги чақириғига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. «Самарқанд» совхозининг моҳир механизатори коммунист Шодиқбек Ботиров барча ҳосилни техника кучи билан териб олиш юзасидан ибратли ташаббус бошлади. Бу ташаббуслар ва янгиликлар областимиз бўйлаб кенг қанот ёзди. Коммунистлар бошлиқ қатор колхоз-совхозлар, бўлим ва бригадалар ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Областимиздаги гигант хўжаликлар — Титов номли совхоз пахтакорлари ҳосилдорликни ошириш, «Правда» совхози заршуносларн комплекс механизация ва химизацияни кенг қўллаб, беш йиллик топширғини уч йилда бажаришга қарор қилдилар.

Зарбдор йилда 60 минг тонналик хирмон кўтаришга қарор қилган Дўстлик райони пахтакорлари ўз мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Ҳозир бу район деҳқонлари 65 минг тонналик юксак марра сари интилмоқдалар. Район бўйича ялпи ҳосилнинг 95 процентдан кўпроғи «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. 45 минг тонна пахта топириб, социалистик мажбуриятни ҳам бажарган Мирзачўл райони механизаторлари ялпи ҳосилнинг деярли 44 минг тоннасини машиналар ёрдамида териб топиришди.

Шу кунларда Пахтакор, Янгиер районларининг пахтакорлари ва областдаги бир қанча колхоз ва совхозлар ҳам юксак мажбуриятларини шараф билан бажариб, республиканинг улкан хирмонига баракали ҳисса қўшмоқдалар. Оқолтин, Ильич, Ворошилов, Сирдарё, Боёвут, Гулистон районлари машина теримида юқори кўрсаткичга эришдилар. Жиззах райони пахтакорлари ҳосилдорликни ҳам, теримни машиналаштиришда ҳам кескин бурилиш ясадилар. Улар машина терими бўйича белгиланган йиллик планни деярли икки баробар ошириб бажардилар.

Ильич районидаги «Правда», Оқолтин районидаги «Фарғона» совхозлари, Жиззах районидаги Ленин орденли «Москва» колхози ва бошқа пешқадам хўжаликлар беш йиллик планни уч йилда бажаришга муваффақ бўлдилар. Узбекистонда хизмат кўрсатган механизатор Индбат Охунова раҳбарлик қилаётган Мирзачўл районидаги 22-А хўжалик ҳисобидаги участка коллективи қўриқ ердан пландагига нисбатан икки баравардан ҳам кўп ҳосил олди, машина терими планқ қариб 350 процент бажарилди. Гулистон районидаги машҳур механизатор Жавод Кўчиев раис бўлган «Коммунизм» колхози, Шамсиддин Тетуев, М. Е. Красильников, Бегим Серикова, марҳум Мамажон Дадажонов, Собир Сиддиқов ўртоқлар директор бўлган 3- «Боёвут», «Малик», Султон Сегизбаев, Ленин номли ва «Фарғона» совхозлари ҳамда бошқа бир қатор хўжаликлар йиғим-теримни комплекс механизациялаш, мўл, арзон пахта етиштиришда байроқдор бўлдилар. Буларнинг барчаси жойларда партия ташкилотларининг жанговарлиги, коммунистлар активлигини ошириш яхши йўлга қўйилганидан, меҳнат интизоми мустаҳкамланиб, хўжаликка раҳбарлик даражаси такомиллаштирилиб борилаётганлигидан далолат беради.

Область механизаторлари ҳал қилувчи йилда меҳнатда катта жасорат кўрсатдилар. Ялпи ҳосилнинг 80,6 проценти техника кучи билан йиғиштириб олинди. Машҳур механизатор, Мирзачўл механик-ҳайдовчиларининг карвонбошиси Тўлан Дадажонов машинада 900 тоннадан ошириб пахта терди ва техника қудратини яна бир бор намойиш қилди. Илғор механизаторлар Мусурмон Кепаков, Фармонқул Раҳмонқулов, Саодат Тоштемирова, Мансура Қодирова, Оппоғой Рустамова, Николай Комаров, Парда Ҳамроқулов, Қудрат Тоғаев, Тоштемир Ҳолбоев, Қувондиқ Абдураззоқов, Ризо Эмирқуюнов, Месут Решитов, Аҳмад Валиев ва ака-ука Шодиевлар 500-800 тоннадан дурдона териб, кўпчиликка ўрнак бўлдилар.

Областимизда пахта ҳосилдорлигини ошириш юзасидан анча ишлар қилинди. Илғор бригадалар 45-50 центнерчилик ҳаракатини бошлаб бердилар. Тадбиркор деҳқонлар мавжуд ишчи кучи, ер ва техника ресурсларидан унумли фойдаланганлари ҳолда қосилдорликни кўтаришга бел боғладилар. Жиззах районидаги Навоий номли колхознинг 60 центнерчи бригада бошлиғи Ортиқбой Раҳматов гектарига 58 центнердан, унинг мусобақадоши Толиб Раҳматов 56 центнердан ҳосил олдилар. Ленин орденли «Москва» колхозининг Умри Орифжонова, Асад Мўминов, «Фарғона» совхозининг Очил Мирзасуюнов, Ленин номли совхоздан Тўлан Дадажонов, Охунбобоев номли совхоздан Қозоқбой Хўжаев бошлиқ бригадалар, Сирдарё, Ворошилов районларидаги ўнлаб бригадалар ҳосилдорликни 45-50 центнерга етказишга муваффақ бўлдилар.

Областимиз деҳқонлари катта зафар қучдилар. Бу Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Республика ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги ва ёрдами, — область партия комитетининг раҳбарлигида партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар тўғри ташкил этилганлиги самарасидир. Бу ғалаба — партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, оталик ташкилотлари олиб борган ижодий ишларнинг натижаси, турли миллатлар ва элатларнинг бир ёқадан бош чиқариб, қўлни-қўлга бериб меҳнат қилганликларнинг, дўстлик кучқудратининг ёрқин далилидир. Бу ғалаба ишчи-деҳқон ҳамкорлигининг, Тошкент шаҳри ишчилар синфининг, студентлар, барча ҳашарчилар деҳқонларимизга берган мададининг маҳсулидир.

Сирдарё меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 56 йиллик байрамини, Узбекистон Компартияси ва республикамизнинг 50 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун, жонажон коммунистик партия ғамхўрлиги ва амалий ёрдамига жавобан КПСС XXIV съезди қарорларини бундан буён ҳам изчил амалга ошириш, халқ хўжалигининг барча тармоқларини интенсив ривожлантириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш учун бутун куч-ғайратларини сарф-лайдилар.

ОЛТИН ЧЎҚҚИЛАР

Оқ каптарлаф тўдаси ё оппоқ булутдир,
Булутдай кўпириб кўкка юксалган хирмон.
Булут эмас у қалбларидан тўкилган ўтдир,
Ана қалбин тафтин берган ўт юрак сарбон.
Деҳқон отам, дастурхонинг бут, бекам бўлсин,
Атрофида болаларинг доим жам бўлсин.
Меҳнатталаб қўллар учун ҳамма жойда иш,
Алалхусус, Сирдарёда, нерагидан мўл.
Бирикканлар аҳлидаги, қўлидаги куч,
Ўзбекистон шуҳратини оламга ёйди.
Пахтакорим она юртга ўғлонсан, суюқ,
Юрт юкини кўтарганлар ҳамиша буюк.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА.

СЎЗ — ПЕШҚАДАМЛАРГА

ДЎСТЛИК АРМУҒОНИ

Р. ҲУСАНОВ,
Дўстлик район партия комитетининг биринчи секретари

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, Леонид Ильич Брежневнинг пахтакор республикаларнинг Тошкентда ўтган партия-хўжалик активи йиғилишида сўзлаган ёрқин нутқи пахтакорларимиз ғайратига ғайрат қўшиб юборди. Район меҳнат аҳли 25 иш кунида, республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини бажарди. Зиммага олинган юксак социалистик мажбурият ҳам 26 октябрь куни шараф билан адо этилди. Она-Ватанга қариб 65 минг тонна Дўстлик дурдонаси армуғон этилди. Пландан ташқари 16 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» тайёрланди. 95 процент ҳосил машиналар бункеридан тўкилди.

Бизнинг давримизда пахтачилик истиқболини комплекс механизациядан мустасно равишда тасаввур этиш мумкин эмас. 100 процент ҳосилни машиналарда териб олаётган бригадалар, бўлимлар ва хўжаликлар эндиликда ҳеч қимни ажаблантирмайди.

Пахтачилик комплекс механизациялаштирилган хўжаликларда ҳосил йиғим-терими гоят қулай бўлди. Илғор хўжаликлар сентябрь ойида йиллик планни, октябрь ойида эса социалистик мажбуриятни бажаришга эришдилар. Кўлгина бригадаларда ҳосилдорлик бир йил ичида 10—12 центнерга ортди. Ғ. Шодмонов, Х. Раҳмонов, Э. Отамуродов, Т. Раҳмонов, У. Яхшибоев, Э. Эшонқулов, Н. Ҳамзаев, У. Кўчиев, Р. Бегалиев, О. Ҳусанов ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларда ҳар гектар ердан 35-45 центнердан ҳосил олинди.

«Зангори кемаларни моҳирлик билан бошқараётган район механизаторларининг меҳнат жасорати таҳсинга лойиқ. Ленин номли совхозининг донгдор механизатори Тўланбой Дадажонов эл хирмонига 900 тоннадан ортиқ пахта тўкди. «Комсомол» совхозининг илғор механик-ҳайдовчиси Мусулмон Кепаков, «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг механик-ҳайдовчилари Отабой Ҳусанов, Гулсара Умарова, Қосим Раҳимов номли совхознинг механизатори Муҳаммад Сафаров ва бошқалар машиналар бункеридан 350—800 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар. Районимизда ташаббускор механизаторларнинг изидан ўнлаб, юзлаб дала гвардиячилари олға бормоқдалар.

Дўстлик районининг имконият ва резервлари эришилган ютуқлар билан чегараланмайди. Ҳали далаларимизда анчагина ҳосил бор. Деҳқоннинг толмас қўли ва фидокорона меҳнати эвазига бунёд этилган «оқ олтин»имизнинг сўнгги граммларигача нес-нобуд қилмай йиғиб-териб оламиз. Биз шунга қатъий аминмизки, 65 минг тонна юзасидан олинган оширилган мажбуриятимиз ҳам ортиғи билан адо этилади. Айни пайтда келгуси йилнинг мўл ҳосили учун пухта замин яратиш, «узги-қишки тадбирларни муваффақиятли ўтказиш тараддуди кўрилаётир.

МИРЗАЧЎЛ САХОВАТИ

Мамазуҳур НАМОЗОВ,
Гулистон районидаги «Октябрь» колхозининг раиси

Сирдарё областининг «оқ олтин» хирмони Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 56 йиллик қутлуғ байрами арафасида 550 минг тоннага етди. Бу улкан хирмонга, бизнинг Октябрь номидаги колхозимиз пахтакорлари қариб 7 минг тонналик дурдона билан ҳисса қўшганликларидан фахрланамиз. Бу йилги йиғим-терим мавсуми алоҳида хусусиятга эга бўлди. Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиғилишида сўзлаган нутқи бизни юксак марралар сари руҳлантириб юборди.

Колхозимиз пахтакорлари 2220 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтардилар. 700 гектарлик майдоннинг ураглик пахтаси кўпминг килограммчи чеварлар ёрдамида авайлаб ва барвақт териб олинди. Жаббор Оғалиев, Ансор Оғалиев, Ортиқбой Ҳазратқулов, Ғани Маҳмудов ва бошқа ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларнинг коллективлари ҳосилдорликни гектар ҳосилига 35-40 центнерга етказдилар.

Улуғ Октябрь байрамининг қутлуғ тантаналарига муносиб туҳфа тайёрлашга бел боғлаган «Октябрь» колхозининг пахтакорлари меҳнатда янги-янги зафарларга эришиб, «оқ олтин» хирмонларини янада юксалтиришдан эзгу-мақсад йўлида дадил ишонч билан олға бормоқдалар.

Фидокор пахтакорлар, донгдор механизаторлар ва минг-минглаб таташаббускор деҳқонларнинг пешана тери билан Сирдарё пахтаси 550 минг тоннага етди. Суратларда: Сирдарё хирмонига муносиб ҳисса қўшган пахтазор даргаларидан бир группасини кўриб турибсиз: (Юқоридан пастга) Ленин номли совхоз механизатори Тўлан Дадажонов, Ворошилов номли совхоз механизатори Оппоғой Рустамова, Қосим Раҳимов номли совхоз юқори ҳосилли бўлимининг бошқарувчиси Маматкарим Қулжонов, «Комсомол» совхозининг механик-ҳайдовчиси Райҳон Мусаева, Гулистон районидаги «Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи Жаббор Оғалиев.

А. Тўраев ва Э. Юсупов фотолари.

ЗАФАРЛИ ЙИЛ

Зайдулла САТТОРОВ
Ворошилов районидаги «Социализм» совхозининг директори.

Мирзачўлнинг эски зонасида деҳқончилик қилаётган совхозимизнинг ер шароити сизот сувларнинг бирмунча юза жойлашганлиги билан характерланади. Бу эса пахтачилик тараққиёти олдига кўпгина муаммолар қўйиши маълум. Бизнинг шароитимизда қиш даврида иккинчи марта шўр ювмаган майдондан кўнгилдагидек хирмон кўтариш амри маҳол. Тажрибакор деҳқонларгина Мирзачўлнинг эски зонасидан кўнгилдагидек ҳосил олиб келмоқдалар.

Совхозимиз деҳқонлари катта тажриба тўпладилар. Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг ташаббускор ва ишчан кадрлар билан таъминланганлиги туфайли совхозимиз ҳаётида тубдан бурилиш юз берди. Узоғи билан 7-8 йил муқаддам гектаридан 12-14 центнердан «оқ олтин» етиштириб келинган майдонлардан эндиликда 24-25 центнердан хирмон кўтарилмоқда.

Совхозимиз деҳқонлари қариб 6 минг гектар майдонда пахта етиштириб келмоқдалар. Совхоз пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини 21 иш кунида районда биринчи, областда иккинчи бўлиб бажарди. Даладаги мўл ҳосилни чамалаб, пландан ташқари давлатга яна 4 минг тонна дурдона топширишга қарор қилинган эди. Улуғ Октябрь байрамининг шонли 56 йиллик байрами арафасида ваъдага вафо қилиндн. Давлат қабул пунктларига «Социализм» совхозининг 15 минг тонна «оқ олтин»и етказиб берилди.

Эндиги вазифа — даладаги ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-терий олиш ва 1974 йилнинг мўл ҳосилига мустаҳкам замин ҳозирлашдан иборатдир. Совхозимизнинг омилкор деҳқонлари бу вазифаларни ҳам муваффақиятли уддаламоқдалар.

ГЕКТАРИДАН 42 ЦЕНТНЕР!

Ҳамроқул НОСИРОВ,
Жиззах районидаги Ленин орденли «Москва» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Колхозимиз пахтакорлари она-Ватанга 15 минг тонна «оқ олтин» туҳфа этдилар. Бунчалик кўп миқдордаги қимматли ҳом ашё колхозимизда биринчи марта йиғиб-терилди. 3550 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландагидек 26 центнер ўрнига қариб 42 центнердан хирмон кўтарилди. Қурбонбой Усмонов, Соли Раиммжонов, Эргаш Қосимов, Ҳусанбой Қодиров, Умри Орифжонова, Пардабой Знёдов ва бошқалар етакчилигидаги илғор бригадаларнинг коллективлари гектаридан 45-50 центнердан хирмон кўтаришга муваффақ бўлдилар. Октябрь байрамининг қутлуғ тўйига муносиб совға ҳозирлашга ахд қилган колхоз деҳқонлари даладаги ҳосилнинг сўнгги граммларигача тезроқ йиғиб-терий олиб, келгуси йилнинг мўл ҳосилига пухта замин тайёрлашга киришганлар.

Мавсумда 42 терим машинасидан унумли фойдаланилди. Пардабой Ҳамроқулов, Уроқ Ерлақабов. Ўрол Азизхонов, Расул Маҳмудов каби моҳир механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири мавсумда 300-500 тоннадан «оқ олтин» териб берди.

«Москва» колхозининг меҳнат аҳли пахтачиликдаги улкан ғалабалар билан бир қаторда давлатга сут, гўшт, тухум, жун ва бошқа қишлоқ хўжалин маҳсулотлари сотиш бўйича зиммага олган социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб бажардилар. Октябрь байрамининг қутлуғ тўйига муносиб совға ҳозирлашга ахд қилган колхоз деҳқонлари даладаги ҳосилнинг сўнгги граммларигача тезроқ йиғиб-терий олиб, келгуси йилнинг мўл ҳосилига пухта замин тайёрлашга киришганлар.

ҲАЁТ, СЕН МУРАББИЙСАН...

— Сирдарё пахтаси 550 минг тоннага етди. Бултур шу кеча-кундузда 450 минг ,аввалги йили эса — 350 минг тонна пахта тайёрланган эди. Ҳар йили пахта етиштириш 90—100 минг тонна ортиб бораяпти. Келгуси йили сирдарёликлар «оқ олтин» хирмонини 600—650 минг тоннага етказишни мўлжаллаб турибдилар. Ҳеч бир областда, мамлакатнинг ҳеч бир пахтачилик районида «оқ олтин» тоғлари бунчалик тез ва шитоб суръатда юксалаётганини эсполмаймиз. Бунинг сири нимада?

Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қ. А. Аҳмедов чуқур мулоҳазага толди: —Дарвоқе, бунинг сири бормикан? —суҳбатдошимиз ниманидир эслаган ва хотирлаган, кўз ўнгидан нималарнидир ўтказгандай бўлди. — Агар бунинг иккита сири бўлса — биттаси шу, агар битта бўлса — ўзи шу, бизнинг кадрлар... Ҳамма сир кадрларга боғлиқ. Умуман, кадрлар деганда биз маълум бир жанговар участкайнинг етакчиларини назарда тутамиз. Область миқёсида эса етакчи кадрлар ўнлаб, юзлаб, минглаб... Лекин улар икки муҳим хусусиятлари билан бир-бирларидан кескин фарқ қиладилар. Кадрлар бор — ундан-бундан ўқиган-ўрганган, кадрлар бор — ҳаёт ўқитган, турмуш ўргатган... Биринчиси шу дақиқа ва шу шароитга мосми-мос эмасми, бировдан ўрганганини такрорлайди. Иккинчиси эса — турмушдан олганини турмушга қўллайди, ўзидан қўшади, бойитади, ишга ижодий ёндошади. Одамлар уларнинг бирини тақлидчи, иккинчисини ижодкор деб атайдилар.

Область партия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Анвар Мусаев билан Ворошилов районидаги «Социализм» совхозига йўл олганимизда йўл-йўлакай бу ғапларнинг маъносини чақишга ўриндик. Обкомнинг биринчи секретари «турмуш ўргатган» кадрлар тоифаси ҳақида сўз очганида, «Социализм», «Правда», Титов номли, 3-«Боёвут», «Малик», «Самарқанд», «Пахтакор» совхозлари ва Жиззах районидаги «Москва», Боёвут районидаги «Коммунизм», Сирдарё районидаги «Ленинград», Гулистон районидаги «Коммунизм» колхозлари ва бошқа бир қатор жанговар участкаларнинг ажойиб етакчиларини тилга олди.

Меҳнат ва ҳаёт мактабини ўтаганлардан бири Расулмат Ҳусановдир. У 1965 йилнинг охирида обкомнинг инструкторлигидан «қулоғигача қарзга ботиб турган» «Социализм» совхозига директор бўлиб келди. Еш директор уч йил ичида совхозни иқтисодий жиҳатдан тиклашга муваффақ бўлди. Совхоз хирмони 10 минг тоннага етди. Хўжалик давлат қарзларидан қутулиб, йилига 700—800 минг сўм соф фойда олишга эришди. Расулмат Ҳусанович кейинчалик область совхозлар трестини бошқарди, «Социализм» тажрибасини бутун Сирдарёда кенг ёйиш устида меҳнат қилди. Эндиликда у партиянинг жанговар солдати сифатида қўриқ ердаги Дўстлик райони коммунистларига етакчилик қилмоқда. Р. Ҳусанов райкомнинг биринчи котиби сифатида Дўстликда жуда кўп янгиликларни ҳаётга татбиқ этишга бош-қош бўлди. Район коммунистлари жуда катта партиявий-сиёсий ва ташкилотчилик ишларини амалга ошириб, янги-янги меҳнат зафарларига эришмоқдалар.

Турмуш тажрибалари ажойиб самаралар бермоқда. Дўстлик райони областда энг улкан — 65 минг тонналик хирмон бунёд этди. Мана бу фактлар ҳам характерли: район планни ва мажбуриятни фақат машина терими ҳисобига қоплади. Мамлакатда энг арзон пахта Дўстлик районида етиштирилмоқда. Мирзачўлнинг кўпгина кашфиётлари шу районда туғилди. Дўстлик пахтакорлари мамлакатда биринчи марта ғўза дефолиациясида академик М. Набиевнинг инсон саломатлиги учун хавфсиз бўлган ЦАКС дорисини ва ғўза парваришида янада порлоқ истиқболлар очиб бериши мумкин бўлган суюқ ўғитларни дадил жорий этиб, «ўнгилдагидек натижаларга эришмоқдалар.

«Социализм» совхозида Анвар Мусаевни эўр ҳурмат билан тилга олишади. Расулмат Ҳусановнидан директорлик эстафетасини ана шу ишчан йигит қабул қилган эди. Унинг директорлик даврида совхоз хирмони 12 минг тоннага етди. Соф фойда 1 миллион сўмдан ошди. Анвар Мусаев қариб 20 йилдан буён Мирзачўлнинг энг оғир участкаларида кичик агроном, бош агроном, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиги, совхоз директори ва ниҳоят уч йилдан буён обкомнинг қишлоқ хўжалик бўлими мудири сифатида бой турмуш тажрибасини пахтачиликдек сермашаққат меҳнатга сафарбар этиб келмоқда.

Мана уч йилдирки, бу хўжаликда директорлик эстафетасини ёш коммунист Зайдулла Сатторов муваффақиятли давом эттирмоқда. Совхоз «оқ олтин» хирмони бу давр ичида 15 минг тоннага юксалди. Биргина шу йилнинг ўзида соф фойда 2 миллион сўмдан ошди. Совхозда қариб 6 минг гектар майдонга пахта экилмоқда. Пахта тайёрлаш плани 130 процентдан ошди. Эндиликда оширилган мажбурият ҳисобига пахта топширилятпи. З. Сатторов бундан ўн йил олдин совхознинг энг оғир участкаси — 7-бўлимга етакчилик қиларди. Ана шу пайтда совхоз йилига 150—200 минг сўм зарар кўраг, битта-иккита бўлим ва бригадаларнинг муваффақиятлари совхознинг улкан супрасида ҳамиртуруш ҳам бўлолмасди... Эндиликда «Социализм» совхози Мирзачўлнинг эски зонасида 3-«Боёвут» совхозидан сўнг энг юқори кўрсаткичга эришиб келмоқда.

«Социализм» совхозининг бугунги порлоқ истиқболига эндн ҳеч ким шубҳа билан қарай олмайди. Хўжалик узоқ йиллар, токи ўз фидокор етакчиларини топгунга қадар фойда ўрнига зарар кўриб келди. Ҳаёт мактабида чиниққан кадрлар хўжаликни илғорликка етакладилар ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамладилар. Социализмликлар худди шунинг учун ҳам Расулмат Ҳусанов, Анвар Мусаев, Зайдулла Сатторовлардан миннатдордирлар. Партиянинг бу уч фарзанди табиатан бир-биридан мутлақо фарқ қилувчи қадрлардир. Бирларида қайноқ ва жўшқин қалб, бирларида сокин ва ўйнан мулоҳаза, бирларида камтарлик ва ширин муомала... Лекин уларнинг ҳаёт университети, чиниқиш мактаби биттага ўхшайди. Назаримда, улар ҳаётга тақлидчилик билан қарашмаган, аксинча ҳаётга садоқатли, меҳнатга ва заҳматга бардошли шогирд тутинганлар. Меҳнатга эўр ҳавас билан, одамларга очиқ дил билан, ҳаётга кенг қалб билан, келажакка дадил ишонч билан қарашган. Бу йўлда муваффақиятларга эришганлар, баъзида хато қилганлар, пайтида тузатганлар. Тажриба эса фойдага қолган. Бир жойда депсиниб турган кишиларгина хато қилмайдилар, лекин улар зафар нашъасини ҳам билишмайди.

Ҳаёт, сен муреббийсан, тенги йўқ, таққоси йўқ муаллимсан. Раҳмат сенга, устоз ҳаёт, раҳмат сенга, жўшқин меҳнат!

Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбири.

ШОИРНИ ЭСЛАБ...

МАҚСУД ШАЙХЗОДАНИНГ 65 ЙИЛЛИГИГА

Дадил орзулар куйчиси, зуволси ижод дарди ва яратиш иштиёқи билан йўғрилган, қалби ҳамиша илҳом оташи билан жўшиб турган, ўз қаламидан томган ҳар бир мисрани эзгулик даражасига кўтара олган, тириклигидаёқ ўзига умрбоқийлик ҳайкалини қўйиб, «Мавлоно Шайхзода», «Домла Шайхзода», «Устоз Шайхзоде» фахрий унвонларига сазовор бўлолган, катталарга эҳтиромли, шогирдларга меҳрибон, мислсиз олижаноб юрак соҳиби, ажойиб инсон Мақсуд Шайхзоданинг туғилганига 65 йил тўлди. Шубҳасизки, устоз барҳаёт бўлганида, бу табаррук ва мўътабар санани бир-биридан теранроқ фалсафий мазмумалар, китобхон юрагида маъсум ва масрур ҳис-туйғуларни жўнбушга келтирувчи лирик бадиалар, аллома Абу Райҳон Беруний ҳақида бошлаган тарихий драма ва киносценарийни ниҳоясига етказиб, «ижодий режалар дафтарида битилган «Самарқанд ва Деҳли» (Бобир ҳақида), «Улвия бегим» (Нодирабегим ҳақида) ва яна қанчадан-қанча асарларини ёзиш билан нишонлаган бўлур эди. Таассуфки, бевақт ўлим мазкур режаларни ўлдажўлда қолдирди.

Бироқ, устознинг деярли ярим асрлик ижодий мероси биз учун етук байтлар, етук тарихий драмалар, чуқур илмий тадқиқотлар, ўткир адабий-танқидий мақолалар, ажойиб публицистик асарлар — бебаҳо хазина бўлиб қолди.

Мақсуд Шайхзоданинг ижодиёт олами юксак башарий ғоялар, чуқур гуманистик ҳиссиётлар, дунёвий ташвишлар, инсон фикрлари, ақлий кураш ва зиддиятлари, асрий ҳаётий жумбоқларни ечишга интилувчи ижодий журъатлар билан тўла. Улар марксча-ленинча ғояларнинг устворлиги, инсон ақл-идроки, ижодий қудратига ва демак, башарнинг нурафшон истиқболига комил ишонч оташи билан йўғрилган.

Устоз шоирнинг муборак 65 йиллиги арафасида унинг ҳали эълон қилинмаган айрим шеър ва таржималарини муҳтарам ғазетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

ХУШХАБАР

Ғоят хушхабар
Келар даладан,
Хушхабар бўлганда
бўлар шунчалик,
Ҳар бир қилоҳ пахта
шўх ашуладан —
Куй олиб центнерни
қилади табрик!
Соғ бўлинг дўстларим,
мард теримчилар,
Бу хушхабар учун
сизларга раҳмат!
Бўлса ҳам ваъданинг
йўлида заҳмат —
Аҳдин бажармоқнинг шарт,
теримчилар!
Ҳар ойнинг марраси
бўлгандай ўттиз,
Уттизта юз мингни
дўстлар терайлик,
Яъни уч миллион тонна
берайлик,
Кейин ютқиздим деб
арзласин кўз!..
Хушхабар устига
келсин хушхабар,
Ҳозирдан тузилар
тўйлар рўйхати,
Яна бир ҳамлага
кирсангиз агар
Шунда: уч миллион
сонин қомати
Езилар уйимиз
пештоқига зўр.
Қарнайлар наъраси
Шунда бўлиб жўр
Оламга янгратар
зафар куйини.
Юртнинг қувончини.
Улуғ тўйини!..

17.XI.1956 йил.

СОНЕТ

(Шекспирдан)

Тезроқ ўссак ҳамки, сўламиз
тезда,
Аммо битаётган умримиз ҳамон
Давом этиб турар ўғилда, қизда.
Ёшларнинг қуввати бизга ҳам
дармон.
Шундайдир башарнинг ҳуснидарони,
Яшқса девоналик, қарилик
демай,
Дунёга абадий бўларди ҳоким
Ва олам тугарди олтмиш йил
ўтмай.
Ҳаётга, дунёга ёқмаган инсон,
Дағаллар бебурдлар йўқолсин,
майли.
Сен эса мулассар бўлган
армуғон
Ортади сендаги шуқуҳ туфайли.
Сен-ку ўйилибсан мухрдан
яхши, —
Юз йиллар ўчмайди
мухрингнинг нақши.

Бухоро райони маданият уйи қошида ташкил топган «Лола» ансамбли қисқа давр ичида кенг жамоатчиликнинг олқишларига сазовор бўлди. Кўрикларда катта ютуқларга эришган бу ансамбль яқинда республика комсомоли мукофоти лауреати унвони билан ҳам тақдирланди. Бу юксак мукофот ансамбль қатнашчиларининг ижодий ғайратига янада ғайрат қўшади деб ишонамиз. Суратда: ансамбль қизлари рақс ижро этяпти.

А. Тўраев фотоси.

АСАБ БУЗАРЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

ЭФИРДАГИ БЕЗОРИЛАР

Ҳар куни маълум бир соатда радиоприёмниклардан бироз хириллаган овоз эшитилади:

— Тимсоҳ, тимсоҳ, қаердасан, тимсоҳ, тимсоҳ, жавоб бер!

Ҳар куни такрорланаверади. Бу овоз куй ва қўшиқларни, радиодан эшитгирилаётган хабарларни босиб, аллақандай тимсоҳни сўрайвериб, кишининг ғашига тегади. Асабларингиз тордай таранглашади. Дунёдаги ҳамма тимсоҳлардан ҳафа бўлиб, эшитмай ҳам, куймай ҳам, деб радиони ўчирмоқчи бўлганингизда яна қандайдир позик бир овоз хонангизга кириб келади:

— Савий, мен шу ердаман, гапиравер, кулоғим сенда.

— Тимсоҳ бўлмай жин урсин сени. Дарров лаббай деб жавоб берақолсанг нима қипти?

— Қандай янгиликлар бор?

— Битта янгисини олдим. Тобинг қалай, қўйиб берайми?

— Варанглатавер, сўнг мен ҳам битта антиқасидан қўйиб бераман...

Радиодан аввал ҳириллаган, сўнг тириллаган ҳунук овоз чиқади. Ана шундан кейин худди кўчирик қилаётгандай ваҳимали музика овозлари омухта бўлиб, қулоқни қоматга келтиради.

Варанглайверади, варанглайверади...

Ажабланманг, бу ҳеч қандай радиостанциянинг чақириқлари ҳам, концерти ҳам, ёки фонтастик инсценировканинг парчаси ҳам эмас. Аллақандай радиобезори хириллаган овози билан радиодан ўйингизга кириб олиб, асабларингизни ишдан чиқарянти. Яқинда ана шундай радиобезориларидан бир нечтаси қўлга тушди. Бояги «Савий» ва «Тимсоҳ»нинг ҳам ўни ўқди. Маълум бўлишича, эфирда ўзига «Тимсоҳ» деб ном қўйиб олгани Володя Костилев деган ўсмир экан. У билан ички ишлар бўлимида суҳбат ўтказилгач, В. Костилев «энди безорилик қилмайман, агар яна эфирга чиқсам жазолайверинглар» деб тавба қилди. Ўзининг овоз узатиш аппаратларини олиб келиб, ички ишлар бўлимига топширди. Орадан бироз ўтгандан сўнг В. Костилевнинг эфирдаги дўсти «Савий» — Александр Лихоненко ҳам ўзи ясаб олган қўлбола аппаратларини топширишга мажбур бўлди.

Республикамиз шаҳарларида эфирни ўзларининг бўлмағур аскиялари, қаҳ-қаҳалари, тутуриқсиз қўшиқ ва музикалари билан булғатаётган ана шундай «Савий ва «Тимсоҳ»лар оз эмас эди. Тошкент кулинария билим юрти ўқувчиси ўн етти ёшли Ҳикмат Азимов ёшлигиданоқ қўшиқлар ишқибози эди. Радиоприёмник, магнитофон ва «Спидола»лардан овоз узатиш аппарати ясаб олди. Кўп ўтмай, эфирда унинг ҳам овози эшитила бошлади. Аммо Х. Азимовнинг безорилиги узоқ давом этмади. Қўлга тушди. Барча аппаратлари мусодара қилинди.

Андижон шаҳри аҳолисини безор қилиб юрган «Бўрон» «Еттинчи», «Уфқ» лақабли безорилар ҳам қилмишларига яраша жазо олдилар. Қурилиш техникумининг студенти Наим Бойбўлатов, «Электродвигатель» заводининг ишчиси Алишер Жалилов, областдаги курслардан бирининг ўқувчиси Усейин Идрисовларнинг ҳар бири 50 сўмдан жарима тўладилар. Тошкент областининг Янгийўл шаҳрида истиқомат қилаётган радиобезори — ўн етти яшар Рудольф Ким, ўн беш яшар Шуҳрат Ҳолматов, ўн саккиз яшар Абдурахмон Умаровлар эса турли маъмурий жазо олдилар.

Қаршилик Наил Такиуллин деган йигит «Черемуха» лақаби билан эфирда безорилик қилар эди. Биринчи марта қўлга тушганида унинг барча радио аппаратлари мусодара қилинди. Н. Такиуллин бундан тегишли хулоса чиқариб олмади. Безорилик қилишда давом этди. Яна қўлга тушиб, 50 сўм миқдорида жарима тўлади. Учинчи мартасида эса суд орқали Такиуллиндан 150 сўм миқдорида жарима ундириб олинди ва агар у яна эфирда безорилик қилишни давом эттираверса қаттиқ маъмурий жазо берилажаги уқдирилди.

Тошкентлик Андрей Пшеничников, Дмитрий Герашенколар ҳам қайта-қайта безорилик қилгани маълум бўлгач, тегишли жазо олдилар. Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районида яшайдиган ўн олти яшар Илҳом Фатхулов ҳам қўлбола аппарат ясаб олиб, эфирга мунтазам суратда чиқа бошлагач, уни ҳам тартибга чақириб қўйиш зарур бўлиб қолди. Ички ишлар бўлими ходимлари бу радиобезорининг уйига келиб, И. Фатхуловни ўз қўшиқлари билан эфирга чиқаётган пайтида ушлаб олишди.

Радиобезориларга қарши курашда ички ишлар бўлими ходимларига ДОСААФ ташкилотлари, мактаб, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари, кўп сонли комсомол ва активлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ҳамкорликда иш олиб борилаётганлиги сабабли Сурхондарё, Самарқанд ва бошқа областларда ўтган ойлар давомида бирор марта ҳам эфирда безорилик қилиш каби воқеалар рўй бермади.

Жойларда ёшлар ўртасида турли тушунтириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Масалан, Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими ва алоқа бошқармаси ходимлари кинотеатрларда сеанс олдидан радиобезориликнинг ёмон оқибатлари ҳақида турли хил тушунтириш ишлари олиб бораётирлар. Тошкент шаҳар Қуйбишев район пионерлар уйи радио тўғараги ёшларни ўз атрофига кўпроқ тортмоқда. Андижон ва Тошкент областларидаги бир қатор ҳунар-техника билим юртларида радио тўгараклар муваффақиятли иш олиб борянти. Бу тўгараклларга ёшлар актив қатнашиб, ҳунар ўрганмоқдалар. Ана шундай тўгараклар сонини янада кўпайтириш зарур. Жойларда ўқувчи ва ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш керак.

И. САТТОРОВ.

Узбекистон ССР Ички ишлар министрлиги милиция маъмурий хизмат бошқармасининг бошлиғи, милиция полковники.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

5 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Телефильм. 11.20 — «Старшеклассник». 12.00 — **Семург** (бадиий фильм). 16.15 — МОСКВА. 18.30 ТОШКЕНТ. 18.35 — Телефильм. 18.50 — Совет Армияси жангчилари учун. 19.10 — Ахборот. 19.25 — Оламда нима гап. 19.45 — «Мушоира этади давом». 20.35 — Ахборот. 20.50 — Ўн минут музика. 21.00 — «Байрам олди вахтасида» 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. Телетеатр. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.30 — МОСКВА. Ҳужжатли фильм.19.25 — «Рус мозаикаси». 20.05 — Тележурнал. 20.35 — «Шеърият». 20.50 — **Пўлат қандай тобланди** (Бадиий фильмнинг 3-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли фильмлар. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

6 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55— ТОШКЕНТ. 11.00 — Кўғирчоқ театри. 11.40 — Бадиий фильм. 12.30 — МОСКВА. 14.15 — **Бу менинг қишлоғим** (бадиий фильмнинг биринчи серияси). 15.30 — Концерт. 16.05 — **Бу менинг қишлоғим** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 17.25 — ТОШКЕНТ. 17.35 — «Виз — Октябрь болалари». 18.05 — Адабий композиция. 18.35 — Ахборот. 18.50 — Концерт. 19.35 — Ахборот. 19.55 — МОСКВА. **Улуғ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 56 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС.** 24.00 — «Вақт». ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 17.25 — МОСКВА. 19.55 — ТОШКЕНТ. 20.15 — Кинокўрсатув. 21.15 — Ленинизм даврининг байроғи. 21.30 — Концерт. 22.20 **Қўрқув билмай** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Пойтахт янгиликлари. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.35 — Ўқитувчи экрани. 20.05 — Тошкент байрам арафасида. 20.25 — Музикали кўрсатув. 20.15 — **Биринчи меҳмон** (бадиий фильм).

7 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.45— ТОШКЕНТ. **УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 56 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ НАМОЙИШИ.** 12.50 — МОСКВА. **УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 56 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ.** 16.30 — Мультфильмлар. 17.00 — Ҳужжатли фильм. 17.20 — ТОШКЕНТ. 17.30 — Мультфильм. 17.45 — «Ассалом, Октябрь». 18.15 — Ахборот. 18.30 — **Қизлар дарвоза.** 19.30— МОСКВА. **Футбол УЕФА кубоги учун. «ОФК»** (Белград) — **«Динамо»** (Тбилиси). 20.15 — Москванинг чет эллик меҳмонлари. 20.30 — **Футбол. Чемпионлар кубоги учун. «Заря»** (Ворошиловград) — **«Спартак»** (Тринава). 21.15 —ТОШКЕНТ. Ахборот. 21.30 — Музикали байрам программаси. 23.00 — Фильм-концерт. 23.30 — МОСКВА. **УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 56 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИДАН РЕПОРТАЖ.** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 17.20 — МОСКВА. Адресимиз — Совет Иттифоқи. 18.20 — **Пўлат қандай тобланди** (бадиий фильм ING 4-серияси). 19.30 — ТОШКЕНТ. Цирк. 20.20 — «Ёшлик». 21.15 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Пойтахт янгиликлари. 19.15 — **Гулька** (бадиий фильм). 19.40 — Концерт. 20.20 — **Мичман Панин** (бадиий фильм).

8 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00— Фильм-концерт. 10.20 — Адабий музикали композиция. 10.50 — Ҳосил байрами. Тошкент ипподромидан репортаж. 11.40 — Ҳужжатли фильм. 11.50— Концерт. 12.45 — МОСКВА. 13.15 Музикали почта. 13.45 — **Бу менинг қишлоғим** (бадиий фильмнинг 3-серияси). 15.10 — **Цирк.** 15.55 — ТОШКЕНТ. 16.00 — Мультфильм. 16.20 — Фильм-концерт. 17.20 — «Звёздочка». «Езувчи Назир Сафаров номидаги лабораториясида». 18.55 — Ахборот. 19.10 — **Телевизион миниатюралар театри.** 20.10 — Ахборот. 20.30 — «Ҳосил байрами»га бағишланган программа. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ **«Таъзим».** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00—МОСКВА. 19.20— Мультфильм. 20.00—Кино-концерт. 20.50 — **Пўлат қандай тобланди** (бадиий фильмнинг 5-серияси. 22.00 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли фильм. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Пойтахт янгиликлари. 19.15 — «Голубой огонёк». 19.55 — **Ҳеч ҳазили йўқ** (бадиий фильм). 21.00 — Фильм-портрет.

9 НОЯБРЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.25— ТОШКЕНТ. 10.30 — Тележурнал. 11.10 — Кўғирчоқ фильм. 11.30— «Ҳосил байрами»га бағишланган программа. 12.40 — МОСКВА. 18.20 — ТОШКЕНТ. 18.30 — Кўғирчоқ фильм. 18.45 — «Доим тайёр!». 19.15 — Ахборот. 19.30 — **«Оламга, саёҳат».** 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — Ахборот. 21.00 — «Ҳосил байрами»га бағишланган программа. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. **Экран хандаси.** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — МОСКВА. 21.05 — **Пўлат қандай тобланди** (бадиий фильмнинг 6-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли фильм. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Пойтахт янгиликлари. 19.15 — Телеспектакль. 20.40 — Тошкентнинг бугуни ва эртаси. 21.00 — Концерт.

10 НОЯБРЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — «Звёздочка». 10.20 — Езувчилар — болаларга. 11.00 — МОСКВА. — 17.45 — ТОШКЕНТ. 17.50 — Мультфильм. 18.00 — Ахборот. 18.15 — Бугун Совет милициясининг куни. 18.30 — Концерт. 19.15 — МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. **«Ёшлик».** 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — Ахборот. 21.00 — **Экран хандаси.** 22.00— МОСКВА. «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.45 — МОСКВА. **Хоккей.** СССР биринчилиги. **«Динамо»** (Москва) — **«Динамо»** (Рига). 19.15 — ТОШКЕНТ. Кинокўрсатув. 20.00 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. Реклама. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 16.45 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

11 НОЯБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — «Малишок». 19.05 — Ахборот. 19.20 — **Қишлоқ изҳувари** (бадиий фильм). 20.40 — Ахборот. 21.00 — **Телевизион миниатюралар театри** (такрорий кўрсатув). 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30- ТОШКЕНТ **«Чашма».** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.30 — Спорт кўрсатуви. 18.30 — МОСКВА. Концерт. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.35 — Москва кўргазмалари стендларида. 19.50 — Фильм-концерт. 20.25 — **Любавиналарнинг тугатилиши** (бадиий фильм). 22.00 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли фильмлар. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.30 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

СПЕКТАКЛЛАР, КЎРГАЗМАЛАР, КОНКУРСЛАР

Театр жамияти правлениесининг кенгайтирилган пленуми Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик кўришга бағишланди. Ҳар бир театр, ҳар бир бадиий коллектив ҳозир бу шонли санага ҳозирлик кўрмоқда. Улар бўлажак юбилейга ўзларининг энг яхши спектакллари, концертларини бағишламоқдалар.

Юбилей программаларида ўзбек ёзувчиларининг асарларига катта ўрин берилган. Театр жамияти правлениесининг раиси СССР халқ артисти Олим Ҳужаев пленумда маълум қилишича, театр саҳналаринда К. Яшин, Уйғун, Н. Сафаров, З. Фатхуллин, А. Муҳтор, Ҳ. Ғуломнинг янги асарлари қўйилади.

Замондошимиз тўғрисидаги энг яхши пьеса, энг яхши опера ва балет либретоси учун ўтказиладиган конкурслар ҳам бўлажак юбилейга бағишланади. Театр рассомларининг асарлари кўргазмаси тайёрланмоқда.

Республиканинг ижодий коллективлари Москва, Боку ва бошқа шаҳарларда ўтказиладиган ўзбек театри кунларида қатнашади.

[ЎзТАГ].

ТЎРТ ЮЗИНЧИ ҒАЛАБА

Футбол ишқибозлари чемпионат якунларини ўзларича кенг мулоҳаза қиладиган кунлар келди. Баҳордан буён давом этган қизғин кураш ўз натижаларини берди. Олий лига командалари совриндор ўринларни бўлишиб олишди. Кучлилар даврасида мамлакат футбол чемпионатининг янги чемпиони рўёбга чиқди. Ереванинг «Арарат» командаси мавсум бошидан буён қизиқарли ўйинлар кўрсатиб, СССР кубогинигина эмас, чемпионатнинг олтин медалини ҳам қўлга киритди.

Киев динамочилари кумуш мукофот билан тақдирланадилар. Чемпионатнинг охирги тур ўйинигача учинчи совриндор — бронза медали қайси команда олиши муаммо бўлиб қолаётганди. Ўтган кунги учрашувлар бронза медаль эгасини ҳам аниқлаб берди. То якунловчи тургача уч команда — Москва динамочилари, Донецкнинг «Шахтер» ва Тбилисининг «Динамо» коллективлари бронза медалга ғастойдил даъвогарлик қилиб келдилар. Ниҳоят, бу муаммо ҳам ҳал бўлди. Шу даъвогарларнинг иккитаси ўтган куни ўзаро учрашди: Москвада маҳаллий динамочилар «Шахтер» дарвозасига жавобсиз икки тўп киритиб, чемпионатда учинчи ўринни эгаллашди. Учинчи даъвогар — Тбилиси динамочилари Ленинград шаҳрида зенитчилар томонидан йўлланган ягона тўпни дарвозаларидан ўтказиб юборишдек, кўш очкодан маҳрум бўлдилар. «Қайрат» «Заря»ни қабул қилди.

Учрашувнинг асосий вақтида 1:1 ҳисоби қайд этилди. 11 метрлик тўплар якунида Олмаота футболчилари 4:3 ҳисобида голиб чиқдилар.

Тошкентдаги ўйин ҳам қизиқарли ўтди. Киев динамочилари кучлиларга хос маҳоратларини намойиш қилдилар. Пахтакорчилар мастерлар командаси билан басма-баснга курашди. Бироқ, Киев динамочилари усталикларини кўрсатдилар. Учрашувнинг бошланишидаёқ меҳмонларнинг мергани Олег Блохин пахтакорчи Филатов дарвозасини аниқ нишонга олди. Шу ҳисоб ўйин охиригача ўзгармади. Лекин майдон эгалари ҳам меҳмонлар дарвозаси олдида тез-тез хавф-ли вазиятлар вужудга келтириб, ҳужумкорлик жиҳатларини кўрсатдилар. Бу ўйининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, Киев футболчилари олий лигада ўйнаётганларидан буён тўрт юзинчи ғалабани Тошкентда қўлга киритдилар. Бу учрашувда гап ҳужумчиларнинг кўплигида эмас, улардан қандай фойдаланишда эканлиги амалда исботланди. «Пахтакор»га келганда шуни айтиш керакки командамиз олий лигада қолгани билан хотиржамлашиб, ўз кучларини кейинги икки учрашувда саралаб кўриш тажрибасини қўллади шекилли. Бу ўйинда ҳам мавсум давомида учрашувларда кам қатнашган футболчилар майдонга туширилди, уларнинг қобилияти яна бир марта кўрилгандай бўлди.

Командамиз ўн иккинчи ўринга тушди: Ленинград зенитчилари билан «Пахтакор» ўрин алмашди.

Олий лигачилар даврасида кеча охирги ўйинлар бўлди. «Динамо» (Минск) — «Днепр» ва «Спартак» — «Карпат» командалари учрашдилар. Шу учрашувларнинг якуни чемпионат ўйинлари жадвалидаги ўринларни командаларга муҳрлаб берди.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мультфильм. 10.20 — Концерт. 11.00 — МОСКВА. 17.25— ТОШКЕНТ. 17.30 — Кинофильм. 17.45 — «Санъат гунчалари». 18.15 — «Ерқин ҳаёт» тележурнали. 19.15 — Ахборот. 19.30 — **Нафосат** (бадиий фильм). 20.40 — Ахборот. 21.00 — **Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт.** 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. **«Таъзим».** Қашқадарё область Шаҳрисабз районн меҳнаткашлари билан учрашув. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30—ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 14.00 — **«Ёшлик»** 17.25 — МОСКВА. «Здоровье». 17.55 — Ҳайвонот оламида. 18.55 — Концерт. 19.40 — Сизларга СССР қўмир саноати министри В. Ф. Братченко жавоб беради. 20.10 — Қўшиқлар. 20.55 — **Пўлат қандай тобланди** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.55 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 3/XI да **Жизель** (премьера), 4/XI да **Жизель** (кундуз соат 12 да), **Севги тумори** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/XI да **Бой ила хизматчи,** 4/XI да **Абу Райҳон Беруний.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/XI да **Ўжарлар.** 4/XI да **Хотинимнинг эри,** 5/XI да **Ҳалима.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/XI да **Биринчи бўса,** 4/XI да **Ойдин.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (кеч соат 7 яримда, шанба ва якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда).

КИНО

Оддий кийимдаги киши — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Угай она — «ЧАЙКА» (жуфт совтларда), «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (тоқ совтларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Эпчиллик, жаноби олийлари — «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Телбалар ҳафтаси — НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Санников ери — «МОСКВА» (жуфт совтларда), «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Фирибгар «Фариштa» — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Серафимга аталган уй — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Решма ва Шера — «МОСКВА» (тоқ совтларда).

Кашмирдаги севги — Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА
4, 5, 6, 7, 8 НОЯБРДА
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
Н. ДУМБАДЗЕ асари
Ҳ. РУЗИМАТОВ таржимаси
«Ташвишланманг онажон»
(2 пардали комедия)
Саҳналаштирувчи режиссёр — А. ЕҚУБХУЖАЕВ.
Рассом — Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. М. КАН.
Билетлар сотилмоқда.

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТИ
немис, француз ва инглиз тилларини ўргатадиган пуллик ТАНЕРЛОВ КУРСЛАРИГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Мурожаат учун адрес: «Чилонзор» массиви, Муқимий кўчаси, 104-уй, 140-хона. Кундуз соат 3 дан бошлаб учрашилсин.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги
ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА СИВОРОТКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
лабораториялар бўйича вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
натта илмий ходим: кўкйўтал вакцинаси;
кичик илмий ходимлар: ичаклар вакцинаси ва вирусникетсиоз.
Конкурс муддати — 30 ноябргача.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Кафанов кўчаси, 93-уй.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Б. — 260. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 02814.